



8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

10
(1432)-son
6-mart
2020

ERURSEN SHOJ, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

Хабар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Президент IT-Паркнинг
Тошкент филиалини ташкил
этиш ишлари билан танишди
2-бет

РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ

Ўзбекистонда АКТ
соҳасини ривожлантириш
истиқболлари **3-бет**

ЎЗБЕК АЁЛИ

Аёл жамиятнинг нузатувчиси
эмас, иштирокчиси **4-бет**

АКТУАЛЬНО

IMEI-эффeкт: Легальный
импорт телефонов вырос
в 40 раз **6 стр.**

АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ

Уларнинг охириги сўзлари
"ойижон" эди **9-бет**

ТОП-10

Жаҳондаги энг
инновациялашган
мамлакатлар **12-бет**

ХАЛҚАРО ХАЁТ

Эрдоғандан "сюрприз":
Миллионлаб қочқинлар
Европага йўл олди **13-бет**

ЭНГ ИННОВАЦИЯЛАШГАН ИҚТИСОДИЁТЛАР

(2020 й.)

1. Германия
2. Жанубий Корея
3. Сингапур
4. Швейцария
5. Швеция
6. Исроил
7. Финляндия
8. Дания
9. АҚШ
10. Франция



Манба: Bloomberg



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН,

АЗИЗ АЁЛЛАР!

» 4

Ўзининг ажойиб сеҳру таровати, майин ва ёқимли шабадаси, бор гўзаллигини одамларга тортиқ қилган ҳолда юртимизга баҳор кириб келди. Бу фаслнинг биринчи байрами бир кўли билан бешикни, бир кўли билан дунёни тебратётган аёлларга тегишли эканлиги замирида ҳам олам-олам маъно мужассам.

Мустақил юртимизда эркаклар билан бир сафда ўқиб-изланаётган, меҳнатда арзирли ютуқларни кўлга киритётган хотин-қизларнинг кўплиги қувонарли, албатта. Биргина ахборот технологиялари ва коммуникацияла-

рини ривожлантириш соҳасида бугунги кунда 27 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 9433 нафарини аёллар ташкил этиши, 363 нафар аёл раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётгани юртимизда хотин-қизларнинг ҳар соҳада ўзларини кўрсатишлари учун етарли шароит яратилганидан далолатдир.

Биз мамлакатимиз алоқа тизимини ривожлантириш учун бор куч ва имкониятини ишга солиб меҳнат қилаётган барча аёлларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини билан самимий табриклиймиз. Ўзларига соғлиқ, ишларида ютуқлар тилаймиз.

ИККИНЧИ ТАШАББУС

Нафислик ва саломатлик беллашуви

Спорт мусобақасида АКТ вазирлиги аёллари "Энг иқтидорли жамоа" номинациясини кўлга киритди

Юртимизда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда спортнинг аёлларга хос нозик ва нафис турларини ривожлантириш, спорт билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали аёллар саломатлигини сақлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ҳар йили давлат идораларида фаолият олиб бораётган аёллар ўртасида ўтказилиши анъана тусини олаётган "Спорт - нафислик ва саломатлик манбаи" мусобақалар ўзига хос аёллар спартакиадасига айланиб бормоқда. Навбатдаги мусобақада олтита - сузиш, шахмат, стол тенниси, бадминтон, енгил атлетика ва гимнастика спорт турлари бўйича 12 нафар иштирокчидан иборат 24та жамоа қатнашди.

Спорт мусобақасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг аёллар жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, "Энг иқтидорли жамоа" но-



минациясида мутлоқ ғолибликни кўлга киритди. Бу Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўз ходимлари ўртасида доимий равишда соғлом турмуш тарзини оммавийлаштиришга ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганидан далолатдир.

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 феврал куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

► 28 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида 18 масала кўриб чиқилди. Қўрилган масалалардан 9таси қонун бўлиб, улар орасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”ги каби янги қонунлар бор. Сенаторлар томонидан саккизта қонун маъқулланди, “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун эса рад этилди. Шунингдек, мажлисда ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахбороти эшитилди.

► 29 феврал жаҳон мамлакатлари тарихида муҳим сана сифатида муҳрланди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси, сиёсий иродаси ва амалий сатъ-ҳаракатлари билан қирқ йиллик уруш ва жанг жаддалардан жабр кўрган афгон заминда тинчлик-осойишталик, тараққиёт учун тарихий пойдевор қўйилди. Қатар пойтахти Доха шаҳрида Америка Қўшма Штатлари ва “Толибон” ҳаракати ўртасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича битим имзоланди. Ушбу тарихий музокараларда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

► 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девонхонаси раҳбари Ян Цзечи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон-Хитой шериклигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни халқ таълими тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда янги турдаги мактабларни барпо этиш, аввалгиларини босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқувчиларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.**

► Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзоланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда “2020 йилги Навруз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ИТ-ПАРКНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабр куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга ташриф буюрганди.



Ташриф давомида Шавкат Мирзиёев томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ҳудудида ИТ-Паркнинг Тошкент филиалини ташкил этиш тўғрисида топшириқ берганди.

28 феврал куни Шавкат Мирзиёев ушбу топшириқ асосида амалга оширилаётган ишлар тафсилоти билан танишди. Мазкур йўналишда олиб бо-

рилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов маълумот берди.

Бугунги кунда ИТ-Парк филиал биносининг концепцияси ишлаб чиқилди. Филиал биноси қурилиш ости майдони 665 кв.м.га тенг бўлиб, 16 қаватдан иборат ва умумий майдони 11,3 минг кв.м.га тенг бино қурилиши бўйича тармоқ жадвали ишлаб чиқилди.

Филиал биноси 600та иш ўринга мўлжалланган бўлиб, 50 дан ортиқ янги ИТ-Парк рези-

дент-корхоналарни жойлаштириш учун мўлжалланган.

Мазкур ИТ-Парк филиалида резидент-корхоналарга ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур инфратузилма, жумладан, замонавий лабораториялар, коворкинг марказ ҳамда офис майдонлари тақдим этилиб, уларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатилади.

ИТ-Парк филиалининг асосий вазифаларидан бири ИТ-Парк резидентлари ва ихтисослашган мактаб ўқувчилари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини йўлга қўйишдан иборат.

ИТ-Парк филиалида ихтисослашган мактаб ўқувчилари томонидан резидент-корхоналар билан биргаликда ахборот технологиялари йўналишида ҳамда дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш бўйича турли лойиҳалар ва стартаплар амалга оширилади.

Шунингдек, ИТ-Парк резидент-корхоналари томонидан мактаб ўқувчилари учун турли амалий машғулотлар, лаборатория дарсларини ўтказиш орқали уларни ахборот технологиялари соҳасидаги бизнес жараёнларини ўрганишга ёрдам беради.

Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг мактабни битиргандан сўнг ахборот технологиялари соҳасида тайёр кадр бўлиб шаклланишига имконият яратиб, ўз фаолиятини ИТ-Паркда давом эттириши мумкин бўлади.

Танлов

mGovAward ТАНЛОВИДА КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЎТГАНЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Мусобақада жами 264та жамоа иштирок этди ва фақатгина 97та жамоа кейинги босқичга чиқиш шарафига муяссар бўлди, бу босқичда уларнинг махсулоти мустақил эксперт комиссияси томонидан аниқ белгилаб қўйилган мезонларга асосланган ҳолда баҳоланди.

Кейинги босқичда танлов иштирокчиларининг лойиҳалари эксперт комиссияси томонидан баҳоланди.

Эслатиб ўтамиз, танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилди:

- Таълим;
- Соғлиқни сақлаш;

- Туризм ва маданият;
- Тадбиркорлик;
- Транспорт ва логистика.

Лойиҳаларни баҳолашда асос бўладиган асосий мезонлар: бўлғуси илованинг самарадорлиги, унинг инновационлиги ва фойдаланишда оддийлиги.

Шуни унутмаслик керакки, mGovAward кўрик-танловининг кейинги босқичига ўтган жамоаларга биринчи ўрин учун белгиланган 50 000\$ миқдоридagi бош соврин учун кураш олиб бориш имкониятини беради, иккинчи ўрин соҳибига эса 30 000\$ ва учинчи ўрин соҳибига 20 000\$ миқдоридagi мукофотни қўлга киритади.



Бу имконият жамоаларга ўз лойиҳаларини амалга оширишда ва уни муносиб даражага кўтаришда яхши туртки беради! Жамоалар рўйхатини қуйидаги ҳаволада кўриш мумкин: <https://it-park.uz/wp-content/uploads/2020/02/spisok-komand.pdf>

**ЖУРНАЛИСТЛАРГА
АКТ СОҲАСИ ҲАҚИДА
МАЪЛУМОТЛАР
БЕРИЛДИ**

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги оммавий ахборот воситалари учун "Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш" мавзусидаги матбуот анжумани ўтказди.

Матбуот анжуманида журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси - Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш доирасида вазирлик томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилдики, вазирлик томонидан республика бўйича 24та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди. Шундан 22таси 2019 йилда, иккитаси 2020 йилда фаолиятини бошлади. Марказлар тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур жиҳоз ҳамда технологик воситалар билан жиҳозланди. Жумладан, маърузалар заллари ва компютерлаштирилган ўқув хоналарида телекоммуникация корхоналари ходимларининг малакаси ҳамда янги технологияларни жорий этиш бўйича кўникмаларни ошириш, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратиш, компютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш учун барча зарур шароитлар яратилди.

Мазкур марказларда қўқишларни самарали ташкил этиш мақсадида 14-30 ёшдагилар учун дастурлаш асослари, компютер графикаси, робототехника, веб ва мобил иловалар яратишга оид жами 19та фан дастурлари ишлаб чиқилди.

Ҳозиргача беш минг нафар тингловчи ўқув курсларини якунлади, айна дамда эса 600 нафар тингловчи тахсил олмақда.

Рақамли технологиялар ўқув марказларини 2020 йил якунига қадар 80тага етказиш режалаштирилган.

Булардан ташқари, вазирлик мутасаддилари журналистларни ўтган йили Ҳиндистоннинг Амита университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Амита университети фаолияти йўлга қўйилгани, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 1200 ўринли замонавий янги биноси фойдаланишга топширилгани, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки "ИТ-Парк" ташкил қилингани ва бошқа соҳага оид муҳим воқеалар билан таништирди. Ўз навбатида, журналистлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоблар олишди.

РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ

Ўзбекистонда АКТ соҳасини ривожлантириш истиқболлари

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан кўтарилган муҳим вазифалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида ўз аксини топган.

Дастур лойиҳаси муҳокамалари жараёнида халқимиз ва фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатишди. Хусусан, жамоатчилик муҳокамаси доирасида уч мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди, улар асосида Давлат дастури лойиҳасига юзга яқин концептуал ва тахририй ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, кўпчилик таклифлар муҳокама учун эълон қилинган Давлат дастури лойиҳасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш жараёнларини такомиллаштиришни назарда тутди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, рақамли ривожлантириш масалалари мазкур ҳужжатнинг асосий гоёвий негизларидан бўлиб, барча йўналиш ва соҳаларни ўз ичига қамраб олди.

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш мақсадида 2020 йилдан бошлаб Олий Мажлис фаолиятида "Электрон парламент" тизими — электрон портал ҳамда мобил илова жорий этилиши режалаштирилган. Мазкур тизимнинг жорий этилиши нафақат парламент ва депутат сўровларини жамоавий мурожаатлар асосида интернет тармоғида шакллантиришга, депутатлар ўз сайловчилари билан доимий мулоқотда бўлишларига имконият яратди.

Ҳукумат органлари ва аҳоли ўртасида самарали қайта мулоқот тизими ўрнатилиши энг ёрқин мисолларидан бири — 2018 йил апрел ойида ишга тушган "Менинг фикрим" жамоавий мурожаатлар портали деб кўрсатиш мумкин. Ҳозирги кунда мазкур веб-порталга 3,3 мингдан ортиқ мурожаатномалар келиб тушди, 24 мингдан ортиқ таклиф ва изоҳлар чоп этилди, 449 мингдан ортиқ овоз берилди. Порталнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида 2020 йил 1 июлга қадар "Менинг фикрим" веб-порталнинг мобил иловасини ишга тушириш назарда тутилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида яна бир муҳим ислохот амалга оширилади, яъни пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни "ягона дарча" таъминли асосида амалга ошириш механизмлари рақамлаштирилишини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилади. Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 апрелга қадар қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилишини таъминлаб бериши назарда тутилган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилади. Жумладан, 2020 йилда камида 800 мингта кенг полосали интернет портллари ярати-



лиши ва 12 минг километр оптик тонали алоқа линиялари ётқизишлиши кўзда тутилган.

Савдо-сотиқ ва молия соҳаларида шаффоқликни ошириш мақсадида "рақамли маркировка ва онлайн касса" лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда "E-onbor" товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

"UzTran" ягона интерактив ахборот тизими ҳам такомиллаштирилди. Хусусан, юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташини амалга оширувчи транспорт воситаларини онлайн рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиши режалаштирилган.

Ижтимоий ривожланиш соҳасида, айниқса, таълим тизимида ҳам йirik ишлар амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Мазкур жараёнларда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир қатор муҳим лойиҳаларни амалга оширади.

Умумтаълим соҳасини такомиллаштириш мақсадида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича, шу жумладан, электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарсликлар, видеодарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тариқасида ахборот тизимлари қоғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этилади.

Ўрта махсус ва олий таълим соҳасида вазирлик томонидан экспертлар, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб қилинган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳаси-

даги ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилади. Бу ҳолда маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетига таъриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилади. 2020 йил 1 августга қадар тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ва ўрнатилган тартибда зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлаш вазифаси қўйилган.

"Рақамли Ўзбекистон - 2030" дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда вазирликка муҳим вазифалар ҳам юклатилган. Яъни, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш йўналишида ахборот технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва ахборот экотизимини ривожлантириш.

Маҳаллий АТ-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш йўналишида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг ягона базаси ва уларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг ягона реестри шакллантирилиб, давлат органлари ва ташкилотлар ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтади. Салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан, халқаро тан олинган илғор АТ-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этилади.

Давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашуви асосида давлат маълумотларни бошқариш тизими яратилди.

Мазкур дастурни амалга оширишда АКТ соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва уларни рағбатлантириш масалалари ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, Рақамли технологиялар ўқув марказларида, "Ишга марҳамат" мономарказларида ва "Ёшлар технопарк"ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курслар ташкил этилади.

Халқаро сертификатга эга бўлган шахслар қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилади. Бунда ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификат олиш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахсларнинг харажатлари давлат томонидан қопланади ва республика олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятлари кенгайтирилади.

Президент фармони асосида тасдиқланган Давлат дастури, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг рақамли ривожланиш йўлини белгилаб беради.

4 | 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

АЁЛ ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВЧИСИ ЭМАС, ИШТИРОКЧИСИ



Аёл. Самимият, нафосат, меҳр-муҳаббат ва гўзаллик тимсоли. Унинг нозик елкаларида дунё юкини кўтарувчи куч, ғайрат бор. Аёлнинг меҳрли қўллари тафтила ерга қадалган уруғ борки, кўкка умид билан бўй чўзади. Аёл наинки табиатга, балки инсониятга ҳам ҳаёт бахш этувчи, халқ яратувчи мўъжиза. Биз яшаётган ҳар сонияда ўзгариш, янгиланишлар даврида ҳам бу ақидалар эскиргани йўқ. Балки зерилишлар саҳнида ўзбек аёлининг ҳар қачонгидан-да шахду шижоатли қиёфасини кўраётганимизни тан олишимиз керак.

“АЙНИ ДАМЛАРДА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МУҲИМ БЎЛГАН МАСЪУЛИЯТЛИ ЛАВОЗИМЛАРДА ВА ХИЗМАТЛАРДА ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛГАН ВАЗИФАНИ ШАРАФ БИЛАН АДО ЭТАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР СОНИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Дарҳақиқат, аёл оилада меҳрибон она, қуюнчак опау суйгунчак сингил, яна сеvimли ёр, оқила рафиқа, ораста бека. Жамиятда эзгу мақсад, эзгу ўй ва эзгу амал билан юрт тараққиёти, эл фаровонлигига ҳисса қўшаётган шифокор, ўқитувчи, журналист, тадбиркор, фермер, ҳисобчи, ички ишлар органи ходими ё бўлмаса ҳарбий ёки иқтисодчи. Президентимиз таъкидлаганидек, “...бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”.

Ҳўш, юртимиз тараққиётида аёлнинг янги қиёфаси қандай, у жамиятнинг кузатувчиси эмас, иштирокчиси айлана оляптими? Бу саволнинг жавобини айна дамларда ижтимоий маконда аёлларнинг қачонлардир ҳаёл бўлиб, бугун ҳаётига кўчаётган ёрқин лаҳзаларга бой фаолиятида кўриш мумкин.

Аёл бугун шунчаки фермер ҳўжалигида ишчи эмас, балки шу фермер ҳўжалигининг раҳбари. У аввалгидек боғидан сархил мевани узиб, режани тўлдирганига хурсанд бўлиш билан кифояланмайди. Балки, шу меваларни музлатгичда сақлаб, қишда ҳам эндигина дарахтдан узилгандек эл-юрт дастурхонига тортиқ қилишни, ҳатто меваларни қуришиб, сифатли ва бежирим қадоқда ёки шарбат кўринишида хорижга ҳам юборишни ўйлайди. У эндиликда оддий боғбон аёлдан етук иқтисодчи сифатида товланиб бораётган инсон.

Бугунги аёл ярим кун дарсини ўтиб қайтадиган ўқитувчи эмас, у оддийгина қишлоқ шароитида халқаро миқёсдаги илм-фан, техника беллашувига билим уфқи кенг шогирдини йўллаётган фидойи устоз, мураббий, олима. Аёл Қонунчилик палатасида ўттиз тўрт миллион фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи муҳим қонун лойиҳалари устида бош қотираётган депутат. Бир мурожаат ортидан тумanning нариги бошидаги муаммони ҳал қилишга ошиқадиган ҳоким ё ҳоким ўринбосари.

У қўшниси, яқин инсони ёки умуман нотаниш ватандошининг тинчлиги, осойишталиги ва қонуний манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида кунни тунга улаб фидойилик билан меҳнат қилаётган ички ишлар органи ходими. Шу тизимда касбий кўникмалари, тажриба ва билимларини ишга солиб Ватанга садоқат билан хизмат қилаётган соҳанинг жонқуяр раҳбари. Ҳар бир маҳаллага осойишта тонглар саодатини тилаб уйғонадиган инсон.

Айна дамларда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим бўлган масъулиятли лавозимларда ва хизматларда зиммасига юклатилган вазифани шараф билан адо этаётган хотин-қизлар сони тобора ортиб бормоқда. Керак бўлганда, улар ўзига хос фикр-мулоҳазаси, асосли таклифлари билан юрт тараққиёти, келажаги ҳақида қайғуриб, муҳим масалаларда ўз қарашларини очиқ-ошқора айта оляпти. Бунинг самараси ўлароқ, уларга ишонч ва муносабат ўзгармоқда. Бу мамлакатимизда барча соҳаларда туб ислохотлар тобора кенг қулоқ ёйиб, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган халқни рози қилишдек улуғ мақсадга қаратилган эзгу ишларнинг муҳим бир йўналиши сифатида жамият ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қарати-

лаётганининг шарофатидир.

Кейинги йилларда бу борада юртимизда муҳим қадамлар ташланганлигини эътироф этиш жоиз. Хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази, Ҳукумат ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази каби янги тузилмалар ташкил топди. Ушбу янги ташкил этилган барча институционал механизмлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда БМТ Конвенциясига мувофиқ, аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг ягона яхлит механизмига айланиши масаланинг муҳим томони. Халқаро меъёр ва стандартларга мос келувчи бу нормаларнинг бир қисми БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Агар тарихга юзлансан, Тўмариснинг қаҳрамонлиги, жасорати, мардлиги, оқиллиги миллатимиз гурурига айлиб, ватанпарварлик, жасорат ва садоқат тимсоли бўлиб қолган. Бугун давлат ва жамоат ишларида фаолият олиб бораётган аёллар кўнра тарих саҳифаларида Тўмарисдек ёрқин из қолдирган аждодларимиздан андоза олса, не ажаб. Қолаверса, айна дамларда тиббиёт соҳасида эса 35 фоиздан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилаётгани Ўзбекистон аёллари тиббиёт ва таълим йўналишида гендер тенглигига эришгани ва бошқа ижтимоий соҳаларда фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётганини асослайди.

Бугун давлат бошқарувида аёлларнинг фаоллиги жамият томонидан яхши қабул қилинаётганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Мамлакат тарихида илк бор Сенат раислигига аёл киши — Танзила Норбоева сайланди. Алия Юнусова бошлар ошмадан бўлди. Сирдарёнинг Боёвут туманига Дилфуза Уралова, Андижон вилоятининг Бўстон туманига Садбархон Мамитова, Қарши туманига Мақсуда Мустафоева, Тўрақўрғон туманига Зулайхо Маҳқамова ҳоким, Нарғиза Неъматова эса Бухоро вилоятининг Олот тумани ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди. Раҳбар аёллар орасида тергов ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари бошлиқлари бор. Илгари ушбу лавозимларни эраклар эгаллаб тургани ва янги раҳбарларни тайинлашда биринчи навбатда касбий фазилатлар, тажриба ва билимлари ҳисобига янги замон аёлининг чизгилари тобора кўюклашиб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётганини кўриш мумкин.

Зотан, Ўзбекистон Қаҳрамони, олтиариқлик фермер Лола Муротованинг “Бизга қандай иш-вазифа берилишидан қатъи назар, мамлакатимизни, иқтисодийтимизни мустаҳкам қилишда, юртимизнинг тараққий топишида, халқимизнинг фаровон яшашида бор билимимиз, бор кучимизни аямай, жуда катта масъулият билан меҳнат қиламиз”, деган сўзлари бугун янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётига ўзининг ташаббуслари ва фидойилик тўла қалблари билан ёниб кириб келаётган ҳар бир ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ эзгу мақсади, муддаоси эканлигига ишонамиз.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
“Xabar” муҳбири



МЕҲНАТДАН ЗЎР ШОДИЁНА ЙЎҚ

Боланинг келажақда ким бўлиши, ўз бахтини ўз қўли билан куриши у улғайган муқаддас даргоҳ — оилага боғлиқ, албатта. Ота-она ширин сўзлар, қайноқ меҳри билан фарзандлари интилишларини, ютуқларини истиқболдоғи бахт-саодатли ҳаёт йўлига руҳлантиради. Не бахтки, Ҳамидаҳон ана шундай оилада камолга етди. Беш қиз, бир ўғил ҳалол ва меҳнатсевар инсонлар қаторидан ўрин олди. Касб танлашда йўл-йўриқ кўрсатган отасидан тоабд миннатдор.

Бир гал оила даврасида касб танлаш мавзуси қизиб кетганда ота-она, “Ҳисобчи бўлишлар, ҳалолу пок ҳисобчи бўлишнинг савоблари мўл-қўл, бежиз ҳисобчи дунё демайди, болаларим”, дея йиғилик бурчини ўтган Германия давлати ва немис халқининг фазилатларидан сўзлаб берганди. Уларнинг ниҳоятда аниқлик, мукамал даражада тежамкорлики, оила бюджетини борасида чуқур ўйлаб иш кўришлари жуда ҳайратланарли экан. “Айниқса, ўз ишига муҳаббатлари зўр, иш вақтида ҳеч қачон бошқа ишлар билан машғул бўлишмас, ишга сира кеч қолмасликларини, табиатга, атроф-оламга ўз уйига қарагандек қарашлари, озода-саришта туттиларини айтмайсизми! Уларнинг ахлоқида, ички маданиятида биронта нуқс тополмаганман” деб болаларида ана шу фазилатларни кўришни истаб, дуолар айлаганди. Опаси Ҳамидаҳон икковлон ҳисобчиликни танлашди. Ҳамидаҳон олийгоҳ даражасида рейтинг баланд бўлган Марғилон режа-иктисод техникумига ўқишга кирганда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишчиси бўлган Розитдин отанинг боши осмонларга етганди.

— Барака топ, қизим, бахтнинг-икболнинг кулгани шу! Мен ният қилганимдек моҳир ҳисобчи бўласан ҳали.

Раҳматли отасининг ана шу дуоси ҳамоно Ҳамидаҳоннинг қалбида акс-садо

бериб келади. Ҳа, ота дуоси вожиб. У падари бузруквори орзулагандек пухта, ҳалол, тўғри ишловчи ҳисобчи бўлиб етишди. Бунда илк меҳнат фаолиятини бошлаган “Водий” тижорат корхонасидаги бухгалтер Мустафо оганинг хизматлари катта бўлди. Ярим йил мобайнида устоз Мустафо меъёрловчи ҳисобчиликни ипидан-игнасиғача беминнат, бетаъма ўргатгач, Қрим ўлкасига кўчиб кетар экан, “Қизим, раҳмат, ишни ихлос билан ўргандим. Ҳисоб-китоб алифбоси қўлимда деявер. Бироқ ҳисоб илми чексизликдан иборат. Урганишдан, изланишдан ортда қолсан борми, доғда қолсан. Кўриб турибсанку, компьютер замони келди”, дея оғохлантирган эди.

Ундан кейин ҳам яхши-яхши устозларни кўрди. Тўлганой Мамадалиева, Галия Исмаилова ана шулар жумласидан. Ҳамидаҳон шунчалар камтарки, гарчи бош ҳисобчи ўринбосари бўлса-да (ҳозир вақтинча бош ҳисобчилик вазифасини бажаришни ҳам унга ишонишган) узидан кичикларни ҳам устоз, дея алқайди. Узидан анча ёш Муҳаммадҷон Аҳмадалиевни устоз, деб билади. Холисон Қодирова, Дианаҳон Содиқова, Юлдузхон Узакбаева, Фанишер Аҳмадалиев, Одилхон Абдужалиловлар билан бўлимда анча йиллардан буён бирга ишлашади. Уларнинг ҳар бирида, умуман филиал бошқарувидоғи ва Тўлардаги ҳар бир ходимда энг аъло сифат-

ларни кўради ва қадрлайди. Энг муаммоли масалаларни ечишда ҳам босиқлик ва вазминликни қўлдан бой бермайди. Ётиғи билан, хушмуомалалик билан тушунтиради. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай вазиятда ҳам филиал обрўси учун тиришиб, тортишади.

Қаҳрамонимизнинг ажойиб хислатлари ҳақида гап кетганда, яхши қиз маҳалладан ошмайди, деган ҳикмат ёдга тушади. Ҳамида исмли қизгина хусни хулқи ҳам, ўзи ҳам гўзал бўлгани боис қўшнилardan ошмаган. Оралиқ масофа бор-йўғи етти метр. Турмуш ўртоғи Давлатҷон Раҳматов вилоят “Иссиқлик манбаи” корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Ҳамидаҳон иккала онажонни — Доноҳон ва Ҳадиҳон аялар хурматларини бажо келтириб, хизматларида бўлиб яшаш бахтидан, уларнинг бемисл меҳру муҳаббатидан, шириндан-шакар икки неварасидан фахрланиб сўзлайди.

Дарҳақиқат, Ҳамидаҳон Барзиеванинг фахрланишига, шукронани неъматда яшаётганига ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди. Фарзандлари Зарнигорхон ва Дурбеклар ҳам алоқачилик касбини танлаб, кам бўлишмаяпти. Сидқидил меҳнатлари билан ота-оналари шаънига гард юқтиришмаяпти.

— Опамизнинг меҳнат стажига 32 йил. Филиалимизда ишлаётганига 22 йилдан ошди. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Ҳамидаҳон опа — ҳаммамизнинг устозимиз, ҳаммамиз учун ардоқли инсон. Уни туғишган опамиздек азиз тутамиз. Негаки, ҳар биримизга меҳнати синган. Ўргатиш, йўл-йўриқ беришдан асло чарчамайди. Филиал манфаатларини ҳамма нарсадан устун билади ва ҳаммамиздан шуни талаб қилади. Ҳар тонг боши билан ишга киришиб кетганини кўрар эканман, опамизга меҳнатдан зўр шодиёна бўлмас керак, дея ўйлаб қоламан.

Бу “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали кадрлар бўлими бошлиғи Гулнозахон Жўраеванинг опага берган қисқагина ва жуда чиرويلى таърифи. Шундай эмасми?

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги муҳбири

МОҲИР АЛОҚАЧИ

РУХИЯНИНГ БАХТИ

Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида ажойиб оила бор. Бу оилада алоқа соҳаси фидоийлари истиқомат қилишади. Оила бошлиғи Сапарбой Тохиров Янгиариқ почта алоқаси боғламасида қирқ йилдан зиёд меҳнат қилиб, соҳада катта эътибор қозонган, кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланиб, “Ўз касбининг устаси” белгисини олишга сазовор бўлган.

Отaxonнинг ўғли Шерифбой ҳамда келини Рухия ҳам туманда хурматга сазовор алоқачилардан. Ҳикоятимиз Сапарбой оганинг сеvimли келини Рухия Қурбонова ҳақида.

Рухия ўрта мактабдан сўнг, алоқачиликка бўлган қизиқиши боис Тошкент алоқа техникумида таҳсил олди. Сўнг “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Хоразм филиалига қарашли Янгиариқ почта алоқаси боғламасига ишга жойлашди. Мана 25 йилдирки, Рухия Қурбонова боғламанинг Каттабоғ алоқа бўлимида ғайрат-шижоат билан меҳнат қиляпти. Турмуш ўртоғи билан биргаликда намунали оила барпо этишиб, беш

нафар фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди.

Утган йиллар Рухия учун меҳнатда товланиш йиллари бўлди. У “Моҳир алоқачи” унвони соҳиби, бир неча бор Хоразм филиали ташақкурномаси ва қимматбаҳо совғаларини қўлга киритган.

— Алоқа бўлимига қарашли тўрттадан маҳалла, мактаб ва болалар боғчаси, уч минг хонадонда яшовчи салкам тўрт мингга яқин аҳолига сифатли почта алоқаси хизмати кўрсатяпмиз, — дейди Рухия биз билан суҳбатда. — Мақсадимиз улар розилигига эришиш. Бу эса ҳар биримиздан ўзимизга топширилган ишни ўз вақтида, сифатли бажаришни талаб этади.

Биз Рухия Қурбоновани ва у орқали хоразмлик барча алоқачи аёлларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриқлаймиз. Оилаларига тинчлик, ишларига ривож тилаймиз.

Давлатбой ЖУМАОБОВ

ЖАМОА БИЛАН ҲАМНАФАС

Қайси корхона бўлишидан қатъий назар, касаба уюшмаси қўмитаси раиси иш берувчи билан биргаликда жамоа манфати учун жон куйдирмағи, ҳаммиса улар билан ҳамнафас бўлмоғи лозим. Хоразм телерадиоузатиш маркази касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ибодулла Жуманиёзов ана шундай касабакўм раисларидан. 2008 йилдан бери ушбу марказда ишлаб келаётган И.Жуманиёзов марказда юқори малакали мутахассис, моҳир ташкилотчи сифатида танилган.

У меҳнат қилиб келаётган жамоа Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим худудлари аҳолисига давлат ва нодавлат телерадио дастурларини сифати етказиб бериш билан биргаликда “Йўлдошли алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда телерадио эшиттиришларини ташкил этиш” лойиҳаси бўйича Урганч ва Питнак РТСларда телерадио узатишчиларни ўрнатилиш ва сошлаш ишларида фаол қатнашяпти. Натижада телерадио дастурларининг сифати яхшиланишига, узлуксизлигини таъминлашга, қамров доираси кенгайишига эришилди.

— Бўлимимизда ўз касбининг усталари бўлган 63 нафар мутахассис фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 13 нафари аёллар, 16 нафари 30 ёшга бўлган ёшлардан иборат. Касаба уюшмаси қўмитаси аъзоларининг барчаси малакали, катта тажрибага эга, жамоада ҳалол меҳнати ва фидокорлиги, намунали ҳаёти билан хурмат қозонган инсонлардир. — дейди касабакўм раиси Ибодулла Жуманиёзов. — Улар билан ҳамжиҳатликда тармоқни ривожлантириш, миждозларга кўрсатилаётган телекоммуникация ва интернет хизматлари доирасини кенгайтириш, даромадни ошириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширяпмиз. Корхона раҳбарияти томонидан белгиланган ишларда фаоллик ва жонбозлик кўрсатаётган ходимларни устама ва мукофот пуллари билан рағбатлантиряпмиз. Утган йили тўрт нафар ходим нафақа ёши ва 21 нафар ходим узоқ йиллар меҳнат қилгани учун рағбатлантирилди. Корхона ходимларининг 16 нафар фарзандлари ёзги таътил пайтида Бўстонлик туманидаги Сойлик қишлоғида жойлашган “Алоқачи” соғломлаштириш масканида дам олишди. Ун нафар ходим республикаимиздаги турли дам олиш оромгоҳларига йўланма билан таъминланди.

Корхонаимизда ишлаб, пенсияга чиққан фахрийларга алоҳида эътибор қаратилади, уларни байрамлар муносабати билан ёзиладиган дастурхонга тақлиф этиб, совғалар бериш аъёнаси давом этмоқда.

Биз ҳам Ибодулла Жуманиёзовнинг келгуси ишларида ривож тилаймиз.

Ж.ДАВЛАТБОВЕВ

IMEI-ЭФФЕКТ: ЛЕГАЛЬНЫЙ ИМПОРТ ТЕЛЕФОНОВ ВЫРОС В 40 РАЗ

Уже несколько месяцев не утихают дискуссии о введении обязательной регистрации IMEI-кодов. Недавно в парламенте начали рассмотрение петиции об упрощении существующего порядка, за пару месяцев набравшей больше 22 тысяч голосов (при пороге в 10 тысяч) на Портале коллективных обращений "Mening fikrim". Вопросов по теме много. Попробуем разобраться в них с опорой на факты.

Для чего потребовалась регистрация мобильных устройств? Главная задача – обеспечение легального ввоза сертифицированной техники. И она успешно выполняется. Да, многие привыкли к черному рынку – покупать сотовые телефоны с рук или у продавцов, не имеющих никаких документов об импорте этого товара. Часть из них не соответствовала установленным техническим требованиям безопасности и наносила вред своим владельцам. Однако в большинстве своем все эти устройства работали без перебоев. Но проблема, прежде всего, в их контрафактном происхождении. В республику они попадали обходными путями, а государственный бюджет недополучал значительные средства от такого «левого» импорта.

По сведениям Комитета по вопросам инновационного развития, информационной политики и информационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса за 2018 год в Узбекистан официально ввезли 13,5 тыс. сотовых телефонов общей стоимостью 1,8 млн. долларов (www.parliament.gov.uz/tu/events/orinion/30277). Легко понять, что это слишком мало для многомиллионной страны. Зато сколько по-

пыток нелегального ввоза пресекалось таможенными органами...

Когда стало известно о запуске у нас системы регистрации IMEI, показатели импорта сразу стали расти вверх. За прошлый год в республику легально ввезли уже 540,8 тыс. мобильных устройств – в 40 раз больше, чем за 2018-й! Общая их стоимость – 22,9 млн. долларов. Даже за первые полтора месяца 2020-го импорт составил 110,4 тысячи телефонов на 8,5 млн. долларов. И об эту реальную статистику разбиваются любые доводы противников идентификации. Будь авторизация бесплатной, добиться такого прорыва бы не удалось, что подтверждает мировой опыт.

Преимущества белого импорта очевидны, тем более с учетом перехода отечественной экономики на рыночные рельсы, развития конкурентной деловой среды и включения в международную торговлю. Это важно и с точки зрения защиты прав потребителей, которые могут быть уверены в качестве продукции, прохождении ею всех необходимых проверок на соответствие техническим и санитарно-гигиеническим требованиям.

Со стороны населения высказывались претензии по поводу сроков регистрации IMEI-кодов. Стоит на-



помнить, что о появлении этой системы стало известно еще 22 октября 2018 года, когда вышло постановление Кабинета Министров «О мерах по упорядочению системы учета мобильных устройств в Республике Узбекистан». Заработала она с апреля, и у соотечественников имелось в распоряжении 7 месяцев для бесплатной авторизации любых устройств без каких-либо документов. Достаточно было просто включить мобильное устройство с действующей SIM-картой. Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций неоднократно рассылало соответствующие напоминания. А те, кто купил новый телефон, вообще не должны испытывать неудобств, ведь официальные вендоры продают устройства, уже прошедшие регистрацию.

Говоря о проблемах. Только с апреля по сентябрь в базе данных UzIMEI прошло регистрацию свыше 29 млн. устройств. Выявлено, что около 0,5 млн. из них не соответствовали стандартам общемировой Ассоциации GSM с точки зрения опасности для здоровья пользовате-

лей. Введение новой системы позволило предотвратить авторизацию таких аппаратов, от чего конечные потребители только выиграли.

Авторизация IMEI-кодов на сегодня уже отработана. Производители и импортеры осуществляют ее через оператора системы или Единый портал интерактивных государственных услуг. Гражданам эта услуга дополнительно доступна через почтовые отделения, SMS и USSD запросы. Поступающие от них средства расходуются в целевом порядке – в первую очередь, на проекты по развитию телекоммуникационной инфраструктуры в глубинке, туристских и рекреационных зонах.

При этом никто не отрицает, что некоторые аспекты процедуры регистрации IMEI-кодов можно и дальше совершенствовать. Здесь важно учитывать мнение общественности, и упомянутая петиция на портале «Mening fikrim» – хороший тому пример. В нижней палате Олий Мажлиса создали рабочую группу из 4 депутатов и еще 4 экспертов, чтобы проанализировать ситуацию.

БЕЗОПАСНОСТЬ

КИБЕРБЕЗОПАСНОСТЬ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ИТОГИ 2019 ГОДА

В 2018 году в национальной доменной зоне "UZ" насчитывалось порядка 65 000 активных доменов, за год их количество возросло до 74 000.

Стоит отметить, что наряду с развитием ИКТ, наблюдается увеличение количества угроз кибербезопасности, которые могут нанести значительный ущерб.

В настоящее время, в Республике Узбекистан уделяется особое внимание задачам и проблемам обеспечения кибербезопасности на государственном уровне, о чем свидетельствуют проводимые работы по выявлению угроз, уязвимостей и инцидентов в киберпространстве.

За 2019 год, в информационных системах и веб-сайтах национального сегмента сети интернет выявлено 268 инцидентов, 816 уязвимостей и порядка 132 000 угроз кибербезопасности.

Статистика инцидентов кибербезопасности

За 2019 год в веб-сайтах национального сегмента сети интернет выявлено 268 инцидентов кибербезопасности, из которых 222 относится к несанкционированной загрузке контента (НЗК), 45 к дефейсу и 1 к скрытому майнингу. Из общего количества выявленных инцидентов, 27 приходится на вебсайты государственных органов.

Сравнительный анализ количества инцидентов за 2018 и 2019 года показал положительную

тенденцию, а именно снижение количества инцидентов на 44%.

Стоит отметить, что угроза несанкционированной загрузки контента по-прежнему остается самой актуальной, а также появился новый тип угрозы – скрытый майнинг. Однако, при сравнении количества инцидентов в государственном секторе за тот же период, наблюдается возрастание более чем в 2 раза.

Наибольшее количество инцидентов кибербезопасности выявлено в самой популярной среде веб-разработчиков Узбекистана – CMS "WordPress". Сравнение с инцидентами выявленных в 2018 году, показало отсутствие инцидентов в системах управления контентом "Magento", "Drupal" и "OpenCart". Необходимо отметить, лидирующие строчки по взломам занимает CMS "Wordpress".

Большая часть инцидентов (69%) выявлено в веб-сайтах, размещенных на площадках хостинг-провайдеров Узбекистана, остальные (31%) на хостинг зарубежных стран.

В отношении 80 инцидентов проведены расследования, по итогам которых были подготовлены практические рекомендации по устранению выявленных уязвимостей, остальные 188 инцидентов устранены самостоятельно владельцами веб-сайтов. В ходе расследования, выявлены следующие причины инцидентов:

- устаревшие версии CMS и дополнения к ним, которые содержат ошибки безопасности в коде;
- не сложные пароли;

- шаблоны и расширения, скачанные из небезопасных источников;
- зараженные вирусами персональные компьютеры, с которых осуществлялось управление/настройка веб-сайтом;
- отсутствие защиты на веб-сайте.

Угрозы кибербезопасности

В ходе мониторинга национального сегмента сети интернет выявлена подверженность к 132 003 угрозам кибербезопасности.

Исследование угроз показало, что:


- 106 508 случаев относится к хостам ставшим участниками ботнет сетей;
- 13 882 связано с блокированием IP-адресов, попавших в чёрный список различных сервисов, по причине рассылки спам писем или перебора паролей;
- 8 457 связано с использованием TFTP-протокола (Trivial File Transfer Protocol) и связанных с ним портов, использование которых может привести к загрузке постороннего контента из-за отсутствия механизмов аутентификации;
- 2 114 относится к использованию уязвимого RDP протокола (Remote Desktop Protocol);
- 1 042 случая, связанных с использованием программного обеспечения и СУДБ, не имеющего механизма аутентификации, а также просроченные или имеющие недостоверную подпись SSL-сертификаты.

Источник: ГУП Центр Кибербезопасности

Халқимизда “Бўладиган бола бошидан” деган мақол бор. Сочлари жамалак Асия ҳам қизиқувчанлиги, тиришқоқлиги ва изланувчанлиги билан ўқувчилик йилларидаёқ тенгдошларидан ажралиб турарди. Айниқса, аниқ фанлар билимдони эди. Доим қўлидан дафтар-ручка, кичкинагина чўти тушмас, математик масалаларни ечишдан чарчамасди. Мантикий масалалар ечимини топгани сайин нафақат ўзи, балки отасининг ҳам завқини оширарди.

Одатда кўпчилик қизалоқлар болалигида гапга чечан ва бурро бўлади. Гап-сўзлари доно бўлиши билан ҳисоб-китобни ўрнига қўядиган Асияга қарата болалигида “Қиз боланинг қизиқшлари улғайгани сайин аниқ фанлардан кўра ижтимоий-гуманитар йўналишга ўзгаради” деган фикрлар бўлди. Аммо унинг отаси Эрсен ака қизидан аниқ фанларга нисбатан алоҳида қобилият борлигини ва бу қизиқиш унинг келажақда танлаган касбида ҳам му-

ЭЗГУ МАҚСАД ЭЪТИРОФГА ЙЎЛ ОЧАР



ҳим ўрин тутишини пайқайди. Шу боис у қизининг ўқиб-ўрганиши, қизиқишларини қўллаб-қувватлади.

Илм билимдонлар майдонида синалади. Бу борада Асиянинг омади чопди. У Тошкент молия институтининг талабаси бўлди. Ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан Асия институтда ҳам танлаган йўналиши, яъни банк иши бўйича соҳа

такомилидаги янгилликлар, халқаро тажрибани ўрганиб, билимларини бойитди. Магистратурада таҳсилни давом эттирди.

АТ “Алоқабанк”да илк иш фаолиятини бошлаган Асия айтиш пайтда банкнинг чакана бизнес департаментини таъсис қилган бўлиши билан таҳсилни давом эттирди. Магистратурада таҳсилни давом эттирди.

Этиборлиси шундаки, ушбу департамент банк ишининг ташкил этишда асосий йўналишлардан бири бўлиб, бу банкирдан ўз ишига ниҳоятда масъулият билан ёндашишни талаб этади.

– Ишимизнинг мушкуллиги шундаки, таҳлил ва ҳисоб-китобда битта рақам, ҳатто нолнинг ортиқча ёзиш катта чалқашликлар ва муаммолар келтириб чиқариши мумкин, – дейди Асия Чартаева. – Аммо ўзимга ишим жуда ёқади. Айниқса, зарурат туфайли кредит расмийлаштиришга келган мижозларга хизмат кўрсатишда уларга ёрдамим тегаётганидан хурсанд бўламан.

Банк йирик иқтисодий амалиётлар ўтказиладиган муассаса. Қолаверса, хизмат кўрсатиш сифатини мижозларга яхши муносабатда бўлишнинг ҳам ўзига яраша мушкул ва завқли жиҳатлари бор. Бугун замон билан ҳамқадам одимлаётган Асия ўзбек, рус, ин-

глиз, корейс тилларини эгаллаган. Унинг тил борасидаги билимлари иш фаолиятида ҳатто хорижий мижозлар билан бемалол мулоқот қилиш имконини беради, албатта.

Ўз устида ишлаш ва янгиликка бўлган иштиёқи кучли Асия Чартаева яқинда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан, ўзи сингари бир гуруҳ салоҳиятли ёшлар қаторида, ташаккурнома билан тақдирланди.

Бу рағбат Асия учун катта ишонч ва масъулиятдир. У бунга лойиқ бўлиш баробарида келгусида илм йўлида изланишларини давом эттириб, номзодлик ишини ёқлаш ниятида. Биз ўзига, ишига, танлаган соҳасига нисбатан талаби ва кўзлаган марраси юқори бўлган қаҳрамонимизга оидин йўл тилаймиз.

Гулноза ТУРФУНБОЕВА,
“Xabar” муҳбири

Ҳар биримиз ёшлигимиздан токи аниқ бир қарорга келганимизча бир қанча касбларни орзу қиламиз. Ҳали ўқитувчи, ҳали шифокор, ҳали ҳуқуқшунос, ҳали космонавт... Аммо баъзи болалар ёшлигиданоқ ота-онасининг касбига меҳр қўяди. Отаси ёки онасининг касбини қанчалар севишини, фидойилигини кўриб унинг ҳам қалбида беихтиёр ўша касбга меҳр уйғонади. Йиллар ўтса-да бу муҳаббат кучайса кучадикки асло сусаймайди.

ОРЗУ ВА ИШОНЧ ФАСЛИ

Бугунги қаҳраонимиз 27 ёшли Камалбек Рзамуратов ҳам ота-онаси йўлидан борди. Почта соҳасини танлади. 2012 йил Тошкент алоқа касбхона коллежини тугатгач “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Тошкент почта” филиалига оддий ходим бўлиб ишга кирди. Бугунга келиб эса ахборот технологияларини ривожлантириш бўлимида етакчи мутахассис бўлиб фаолият юритмоқда.

– Компютерга қизиқмаган бола бўлмаса керак, – дейди қаҳраонимиз. – Ҳар бир соҳада бугун ахборот технологиялари кўмагига нафақат муҳтожмиз, балки катта эҳтиёжимиз бор. Ушбу соҳада кундан-кунга катта-катта янгилликлар бўлаёпти, лойиҳалар яратилаёпти. Кечаги янгилликдан беҳабар қолсангиз, бугун кўп нарсани йўқотасиз. Аммо менинг 8 йиллик меҳнатларим бу соҳага камлик қилади. Орқанда қолмаслик учун кўпроқ ўқиб-ўрганишни олдимга мақсад қилиб қўйдим...

Айтганча, Камалбек Рзамуратов ТАТУ компютер инжиниринг йўналишида сиртдан

ўқишни давом эттирмоқда. У яна тил ўрганаётганини ҳам таъкидлади:

– Яна бир нарсани англаб етдим, яхши мутахассис бўлиш учун фақат шу соҳани билиш эмас, балки бугунги кун талабларидан бири – тил ўрганиш ҳам керак. Айтиш керак, компютердан ниманидир қидиряпсиз, ўзбек тилида тополмадингиз, рус тилида қидирасиз, рус тилида тополмаганингизни инглиз тилидан топасиз. Айни пайтда рус тилига қўшимча равишда инглиз тилини ҳам ўрганиш керак.

– ИТ-Парк лойиҳаси ва унинг келажаги ҳақида билмайдиган ёшлар бўлмаса керак, – дедим ҳамсуҳбатимнинг бу борадаги фикрларини билиш мақсадида. – Чунки ушбу лойиҳа ҳозирча олтинчи ҳудудда: Самарқанд, Бухоро, Наманган, Хоразм, Гулистон ва Қорақалпоғистон Республикасида ўзининг филиалларини очди. Яъни, бу ёшлар яхши маошли иш билан таъминланади, дегани.

– ИТ-Парк келажақда бизга катта имкониятларни тақдим этади, – дейди Камалбек ўз режа-

лари билан ўртоқлашаркан. – ИТ-Парк Ўзбекистоннинг стартаплари ривожланиши ва йирик компанияга айланиши, юртимизда ИТ-маданиятни ривожлантириш йўлида ўзига хос муҳит яратди. Келгусида мен барча тенгдошларим қатори мана шундай технологиялар орқали Ўзбекистон ривожига ҳисса қўшсам, дейман. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ташаккурнома билан тақдирланишимнинг ўзиёқ келгуси ишларим ва режаларим учун катта бир мотивация бўлди.

Камгап, аммо очиқ юзли Камалбек тенгдошларига келгусида ибрат ва намуна бўла олади. Чунки унинг самимий гапларидан, меҳнатга чанқоқлигидан шуни англаш мумкин. Ахир айтишадик-ку, ёшлик бу – орзу, бу – ишонч, бу – жасоратга интилиш, бу – келажаққа тузилган улкан режалар, бу – истиқболнинг бошланиши...

Барно СУЛТОНОВА,
“Xabar” муҳбири

SEMINAR



ОВУЛЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан республикамизнинг чекка қишлоқлари аҳолисига замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг IV чорагида Нукус шаҳридан 210 км. узоқликда жойлашган Тўртқул туманининг “Ўзбекистон” овул фуқаролар йиғини аҳолисига GPON технологияси асосида замонавий телекоммуникация хизматлари (телефон, интернет, IPTV) кўрсатиш мақсадида компания томонидан ажратилган 768 абонентга мўлжалланган OLT қурилмалари ўрнатилди. Айни дамда ушбу овулдаги олтинчи мактаб, битта болалар боғчаси, битта оилавий поликлиника ва 3490 хонадонга ушбу технология асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Филиалнинг техник масалалари бўйича директор ўринбосари С.Абибуллаев ва тижорат масалалари бўйича директор ўринбосари М.Балтаев томонидан 29 феврал кунини барча шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларининг олий тоифали ва бош муҳандислари иштирокида ўқув семинари ташкил қилинди. Мазкур семинар давомида иштирокчилар ушбу ҳудуддаги оптик кабелларнинг улашиши, қурилмаларнинг ишлаши бўйича саволларига жавоблар олишди, муҳандислар назарий ва амалий тажрибалари ва билимлари билан ўзаро ўртоқлашди.

ВАЗИРЛИК ВАКИЛЛАРИ ЯНГИБОЗОРДА

Хоразм вилояти Янгибозор туманида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан сайёр қабул ташкил этилди. Унда вазирликнинг ҳудудий бошқармаси ва тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг вилоятдаги вакиллари иштирок этдилар.

Сайёр қабул кун тартибда АКТ йўналишида олиб борилаётган ишлар, кўрилатган чора-тадбирлар ва ушбу йўналишда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифати тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Хоразм вилояти, хусусан, Янгибозор туманида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар юзасидан

маълумот берилди. Соҳада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, юзага келаётган мавжуд муаммоларни бартараф этиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, "Обод қишлоқ" дастурлари ижросини таъминлаш, ёшларни соҳада тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш масаласида атрофлича фикрлашилди.

Сайёр қабулда туман аҳолиси вакиллари соҳага доир мурожаатлари қабул қилинди. Қабул давомида фуқаролардан соҳага доир жами еттита мурожаат келиб тушди. Шулардан телекоммуникация йўналишидаги бир мурожаат шу куннинг ўзида ижобий ҳал этилди. Қолган мурожаатларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиши белгиланди. Аҳолидан келиб тушган мурожаатлар, билдирилган таклифлар бўйича соҳа корхоналари раҳбарларига тегишли топшириқ ҳамда вазифалар берилди.

Почта хизматларини жаҳон андозалари талаблари даражасида замонавийлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш аини пайтда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг долзарб вазифаларидан саналади.

МУЛОҚОТНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Уларни амалга ошириш жараёнида, шубҳасиз, жойларга бориб реал ҳолатни ўрганиш, аҳоли билан учрашувлар давомида почта соҳаси фаолиятига оид муаммоларни аниқлаб, тез ва самарали ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бош директори вазифасини бажарувчи Алишер Файзуллаевнинг Навоий вилояти Нурота туманида фуқаролар билан ўтказган сайёр қабулда ҳам почта алоқаси объекти фаолияти юзасидан аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни оқилона ҳал этиш йўллари изланди.

Сайёр қабул аввалида Нурота туманининг турли маҳаллаларидан келган фуқароларга "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг ҳозирги босқичдаги фаолияти, соҳани трансформация қилиш режалари, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда почта хизматларининг кўллаб янги

турларини жорий этиш ҳамда уларнинг сифатини тобора ошириш масалаларига оид маълумотлар берилди. Шундан сўнг иштирокчилар жамият раҳбарига ўзларини қизиқтираётган саволлар билан мурожаат қилдилар. Мурожаатларнинг аксарияти бугунги кунда банклар фойдаланиб келаётган "Мунис" тизими орқали почта корхоналарида тўланаётган турли тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ айрим муаммолар, кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари тарифлари, почта корхоналари орқали кредит тўловларини қабул қилиш имкониятлари, почта соҳасида ишлаш учун қандай олий ва ўрта-махсус маълумот талаб этилиши каби масалаларни ўзда мужассам этди.

Ақсарият мурожаатларнинг ечими бевосита сайёр қабул давомида топилди. Бошқа масалаларнинг ижроси назоратга олинди.

МУРОЖААТЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

Қарши шаҳрида "Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида олиб борилаётган ишлар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизматларда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг мутасадди раҳбарлари, мобил алоқа корхоналари масъуллари, оператор ва провайдерлар ҳамда фуқаролар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Д.Рустамов, Қаш-



қадарё вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи в.в.б. З.Нурмуродов ҳамда вазирликнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Хушимовлар иштирок этган тадбир доирасида жисмоний ва юридик шахслардан маҳаллий телефон алоқаси, UZONLINE интернет хизмати, почта алоқаси, мобил алоқа ва мобил интернет хизматлари юзасидан мурожаатлар ўрганилди ва ечими изланди.

Қарши туманининг Богобод маҳалласида истиқомат қилувчи Руслан Эшмуродов алоқа телефон тармоғига эҳтиёж борлиги, Чироқчи туманининг Оғзикент қишлоғида яшовчи Мирқосим Дилмуродов қишлоқда мобил алоқа ва мобил интернет мавжуд эмаслиги, ҳудудда база станцияси йўқлиги бўйича мурожаат қилган бўлса, Қарши шаҳрининг Амир Темура маҳалласида истиқомат



қилувчи Олия Худойназарова симли телефон алоқаси сифати паст ва носозлиги, шикоятлари бесамар бўлганлиги, "Ландшафт-Нахшаб" МЧЖ ходими Кумуш Раҳматуллаева интернет хизматининг ёмонлиги, мурожаатлари ўрганилмай қолаётганлигини таъкидладилар. Вилоят Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси ходими Аслиддин Худайназаров UZONLINE интернет

хизматининг сифатсиз ва талабга жавоб бермаслиги соҳа ривожига жиддий таъсир кўрсатаётганини куйиниб гапирди.

Шунингдек, мурожаатчилар тезкор почта хизмати, почта алоқаси орқали пул жўнатмаларининг чет давлатлар кесимида маълумотга эга бўлиши, Қарши UNITEL МЧЖ томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг қоникарсизлиги, мобил алоқаси қамровини кенгайтириш учун база станцияларини кўпайтириш лозимлиги, телефон алоқасидаги узилишлар, сифатли пастлиги тўғрисидаги саволларга ҳам жавоб олдилар. Сайёр қабулда мурожаатларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ўрганилиб, ечими топилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

УЧИНЧИ ТАШАББУС

ГУРЛАНЛИК ЁШЛАРГА АЖОЙИБ ТУҲФА



Хоразм вилоятининг Гурлан тумани ёшлари ҳам замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш имконига эга бўлишди — туманда Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокимлиги масъуллари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси, тизим-

даги корхона ва ташкилотлар ҳамда соҳа фахрийлари иштирок этдилар.

Аввало, Рақамли технологиялар ўқув маркази учун "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалига қарашли бўш турган бино танлаб олинди, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Марказ замонавий компьютер технологиялари, робототехника жиҳозлари, проектор, киберспорт ўйинлари ускуналари ва бошқа энг сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланди. Қисқача қилиб айтганда, марказда аҳоли ва ёшларнинг замонавий ахборот тех-

нологиялари соҳасида билим эгаллашлари ҳамда малакасини оширишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароилар яратилди. Энди туман ёшлари ушбу ўқув марказида ахборот технологиялари, дастурлаш соҳаларида инновацион ишланмалар яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар. Шу билан биргаликда, ўқув марказида корхона ва ташкилотлар ходимларини замонавий ахборот технологиялари соҳасида малакасини ошириш режалаштирилган.



Sun Child

ДАУН СИНДРОМЛИ БОЛАЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ УЧУН МАХСУС ДАСТУР

деб тан олинди. Унинг ихтироси — Sun Child мобил лойиҳаси Даун синдроми билан туғилган болаларнинг ота-оналари учун яратилган бўлиб, лойиҳа ёрдамида ота-оналар боланинг ривожланиш динамикасини кузатишга муяссар бўлади.

Мазкур иловада дастлаб боланинг картаси очилиб, унда унинг вазни, бўйи ва ёши кўрсатилади. Сўнгра, сўронома орқали улар унинг ривожланиш даражасини ва ривожланишнинг ёшга мосли-

гини аниқлайдилар. Масалан, бола бир ёшда ўтиради, эмаллайди, қўлида баъзи нарсаларни мустақил равишда ушлаб туради, ҳис-туйғуларга таъсир қилади ва ҳоказо. Динамикани кузатиш учун сўронома ҳар икки ойда бир марта тўлдириш тавсия этилади. Илова, шунингдек, мотивацион мултимедиа материаллари ва махсус онлайн маслаҳат берадиган шифокорлар маълумотлар базасини ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, Севинч

ўзининг мобил иловаси учун Орегон (АҚШ) университети профессорлари томонидан ишлаб чиқилган сўрономадан фойдаланган. Талаба савол ва жавоб вариантларини содда-лаштириб, автоматлаштириди, шунингдек, дастур тилини фойдаланувчининг телефон тилига мослаштирди.

Севинч ушбу ёзда ўз дастурини ишга туширишни режалаштирмакда. Бироқ, ундан олдин, у фойдаланиш ҳуқуқини сўронома муаллифларидан сотиб олиши керак.

Бунинг учун талабага ҳомийлар кўмаги зарур. Ҳозирги кунга қадар Даун синдроми болалар муаммоси билан ҳеч ким шуғулланмаган. Sun Child болаларни ривожлантириш бўйича барча тадбирлар бундай болалари бўлган оилалар томонидан ташкил қилинмоқда. Талаба унинг лойиҳаси кўплаб ота-оналарга нафақат амалий, балки мотивацион фотосуратлари ва видеолари орқали ёрдам бериш имконига эга эканлигига ишончи қомил.

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети 1-босқич талабаси Севинч Махмудованинг ихтироси "Ўзбекистон аёлларининг 100та энг яхши инновацион лойиҳаси" 3-Республика босқичи танловида голиб

➔ АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ

Ойижон! Ойижон! Бу сўзни фарзандларингиздан бир кунда минг бора эшитсангиз минг бора жавоб қайтарасиз. Чунки жавоб беришга имконингиз бор. Ойижон! Бу сўз орқали фарзандингиз ўзини бежавотир сезади, халоскори борлигини ҳис қилади. Ойижон! Бу сўз орқали сиз фарзандингизнинг бежавотирлигини таъминлайсиз, халоскори эканлигингизни эслатиб турасиз...

* * *

"Кичкина Николка Освенцим лагерига тушганида чақалоқ эди. Унга ҳар куни "мама", "ойи" дейишни ўргатдик. Аммо бир куни уни немис аскарлари онасининг қўлидан юлқиб олишди. Онасини газ камерасига олиб кетишди. Болакай ойисига талпинганча илк марта "ойижон"ни айтди", аммо бу сўз уларни қайта боғлай олмади. Эшитяписми, Николка бу сўзни ҳатто газ камераларида охири нафасни олаётганда ҳам айтди "ойижон", аммо уни ҳеч ким эшитмади, ойиси келиб уни кутқаролмади, чунки онанинг жавоб беришга имкони йўқ эди..."

* * *

"Мен ўғлим билан уч йил деганда учрашдим. Унга эркакча кийимда яқинлашаман:
— Отанг қани?
— Отам жангда ўлган.
— Онанг-чи?
— Онамни йўқотиб қўйганман.

УЛАРНИНГ ОХИРГИ СЎЗЛАРИ "ОЙИЖОН" ЭДИ

Айтишларича, партизанларга қўшилиб кетган.

— Мени танимадингми?

Ўғлим бирпас анграйиб турди, кейин қўрқинчли овозда бамисоли ҳайқириб юборди:

— Ойижон!!!

Урушдан сўнг ўғлим бир ой, ҳатто овқатланаётганда ҳам мени бир қўли билан ушлаб ўтирди, яна йўқотиб қўйишдан қўрқди, ишга мен билан бир ой қатнади".

* * *

Бу уруш қатнашчиларининг кўрсатувларда берган интервьюлари. Булар ҳақида саноксиз мақолалар, китоблар ёзилди, кўрсатувлар тайёрланди...

"Сен етим эмассан" кинофильмида бир қизалоқ "сени онанг излаб келди", деган гапга ишониб йўл-йўлакай "ойижон, ойижон, ойижон", деб чопади, унинг ёнида югуриб кетаётган болалар ҳам шу сўзни пичирлаб такрорлашади, азбаройи ойисини соғинганидан, шу сўзни соғинганидан, тинчликни соғинганидан. Улар билади фақатгина тинчлик она билан болани ажратолмаслигини. Аммо улар етиб борганида у аёл қизалоқнинг ойиси эмаслиги маълум бўлади. Шу ерда болаларнинг умидлари чил-чил синади. Чунки "ойижон"гина уларни барча кулфатлардан, азоблардан кутқара олишига ишонади.

Уруш пайтида болалар, оналар бир-бирининг бағрига, меҳ-

рига ана шундай талпинган, бир-бирига ташна бўлган, лекин бу ташналикни қондиришнинг имкони бўлмаган. Бир бора ойисининг бағрига бош қўйишни, бир бора ойижон, деб қақирганида, онаси унинг қошига келиб эркалашини, азоблардан халос қилишини кутиб ухлаганлар, қайтиб уйғонмаганлар бор. Чунки бунга имкон йўқ, чора йўқ эди у пайтлар.

Бугун имкони бор. Болангиз минг марта "ойижон", деб қақирса минг марта жавоб беришга. Айтгинчи, ўша имконни ўз қўлларингиз билан йўққа чиқармаяпсизми?

Меҳрибонлик уйидаги болаларнинг кўзларидаги мунгни кўрганмисиз?
Ана, Умиджон исмли болакай деразанинг олдида турганча йўлга термуляпти.

— У деразанинг олдида туриб онасини соатлаб кутади, энг севимли машғулот, — дейди тар-

биячиси.

— Сизнинг ойингиз борми, — дейди сочлари қўнғироқ беш ёшли қизалоқ.

— Ойи ўзи қанақа бўлади, — дейди яна бир митти болакай.

— Менинг онам сувпариси, — дейди Муниса исмли қизча. — Сув парисидек чиройли, фақат оёқлари йўқ, балиқниқига ўхшайди, шунинг учун юролмайдди, шунинг учун мени кўришга келолмайдди. Катта бўлсам, албатта, ўзим ойимни денгиздан топаман...

— Ойимнинг яқинда байрами, мен қоздан откритка тайёрладим, — дейди Бобур исмли бола.
— Мен ойимга ширинликлар йиғиб қўйганман, келса, албатта, бераман, — дейди Муаттар.

Мана яна ижтимоий тармоқларнинг бирида сурат. Болалар асфалтга онасининг суратини қизиби ўзи суратдаги "она"сининг кучоғида ётибди. Ҳатто онасининг хурмати учун оёқ кийимини сурат

ташқарисига ечган. У пичирлайди: "ойижон", аммо совуқ асфалтдан садо чиқмайди.

Аёл эри билан уришиб қолди. Унинг аламини боладан олди, уни аямай дўппослади. Болакай, беш ёшли болакай илтижо қилди: "урманг, ойижон". Она ураверди, болажон чалажон бўлиб қолгунича ураверди ва тинчиди. Бола кўзларини охири марта очиб юмаркан: "ойижон", деб шивирлади, у онаси уни қучишини, оғриқлардан халос қилишини, қўлига олиб кўтаришини кутганди, аммо она бундай қилмади. Тошбағир она бир умр "ойижон"ни эшитишга зор бўлиб ўтди, ўшанда онанинг боласи қақирғига жавоб беришга имкони бор эди...

Яна бир пиёниста аёл эри билан қўшилиб боласини дўппослапти, қизалоқ ота демаяпти, "ойижон", деб йиғлапти. У ойижонга кўпроқ ишонади. Онанинг боласини кутқаришга имкони бор эди, аммо кутқармади...

Бугун ўз болакайини ўлдириб қўяётганда, ташлаб кетаётганда, арзиммаган пулга сотаётганда болажонларнинг тилидан чиқаётган "Ойижон!" ҳавода муаллақ қолиб кетаяпти.

Бугун биз тинчлик даврида яшаяпмиз. Фарзандларимизнинг минг марта ойижон, деган қақирғига минг марта лаббай деб жавоб бера олиш, уларни халоскори эканлигини ҳис қила олдириш имкониятимиз бор. Ойижон! Мана шундай тинчлик замонда уларни шу сўзни охириги марта айтишга, имконини йўққа чиқаришга ҳисса қўшманг. Тўхтанг, ортингизга қаранг, ахир қачонлардир "ойижон"ни эшитгингиз келганида ҳеч қачон имкон бўлмаслиги мумкин...

Барно СУЛТОНОВА

УМИДЛИ ЁШЛАР ЮРТ ТАЯНЧИ

Иқтидорли, билимли ёшлар келажакимиз пойдевори, таянчи ва у қанчалик мустақкам бўлса, эртанимиз янада нурли бўлиши, шубҳасиз. Бугун мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, ислохотлардан кўзланган мақсад — ёшлар манфаатларини тўлиқ таъминлашдан иборат. "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасида ҳам ёш мутахассислардан келгусида юқори билим ва салоҳиятга эга илм кишилари етишиб чиқиши учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилиняпти. Зеро, жаҳон иқтисодийётининг ривожланиши ахборот технологиялари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.



МУНОСИБ ЕТАКЧИ

Диёр Ражабов ҳам корхонанинг умидли ёшларидан бири. Унинг М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникациялар университетини битириб, корхонада иш бошлаганига олти йил бўлди. Бу давр мобайнида Диёр ўзидаги ҳушмуомалалик, катталарга ҳурмат, интилувчанлик фазилатлари туфайли ҳурмат-этибор қозонди, корхона раҳбариятининг назарига тушди.

Диёрдаги ташкилотчилик, етакчилик қобилиятини сезган раҳбарият унга масъул вазифа — бўлим бошлиқлигини ишониб топширишга қарор қилишди. "Ўзи билимли йигит, мабодо қийналса, устозлари, қолаверса, ўзимиз ёрдам берамиз, — деган қарорга келишди улар. — Ахир корхонамиз келажакимиз бугунги ёшлар қўлида!"

Унинг архитектура ва техник экспертиза бўлимини бошқараётганига ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин етти кишилик жамоа ўзларига топширилган ҳар бир вазифани сидқидилдан бажариб, корхона ривожига ўз ҳиссани қўшияпти. Диёр эса ёш бўлса-да, уларга муносиб етакчи.

ЖАВОҲИРНИНГ НИЯТИ

Жавоҳир Зокиржоновнинг алоқа соҳасини танлашида онаси — Давлат алоқа инспекциясининг тажрибали, ҳурматли ходимларидан Дилобар Қосимованинг ҳиссаси катта бўлди.

Тошкент ахборот технологиялари университетини аъло баҳоларга тамомлаган Жавоҳир 2011 йилдан бери "UNICON.UZ" ДУҚда фаолият кўрсатяпти. Жавоҳир ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида четдан олиб қирладиган ва республикамизда ишлаб чиқилаётган миллий телекоммуникация тармоғига уланиш учун мўлжалланган телекоммуникация техник воситаларини синовдан ўтказиш ва сертификатлаштириш бўйича юқори малакали мутахассис, "Ўзстандарт" агентлигининг сертификатлаштириш миллий тизимидаги телекоммуникация техник воситаларини синовдан ўтказиш ва сертификатлаштириш йўналиши бўйича эксперт-аудитор ҳисобланади.

Айни пайтда у телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш синов марказининг "Хавфсиз шахар" интеграциялашган тизими аппарат-дастурий ва техник воситалари синов лабораторияси бошлиғи. Жавоҳир ўқиб-изланиб, соҳамиз ривожига янада кўпроқ ҳисса қўшиш ниятида.



Шуниси қувончлики, "UNICON.UZ" ДУҚ ходимларининг 70 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Бу ерда ёшлар малакаси ва билимини оширишга катта эътибор қаратиляпти. Ҳозирги вақтда Тошкент ахборот технологиялари, Тошкент шаҳридаги ИНҲА ҳамда Турин политехника университетида бир нафардан, М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникациялар университетиде эса беш нафар, Беларус давлат информатика ва радиоэлектроника университетиде уч нафар умидли ёш корхона ҳисобидан таҳсил оляпти.

2019 йил давомида малака оширганлар сони 244 нафарни, жумладан Корея, Россия, Хитой, Беларус, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатларда 15 нафар ёш ходимнинг малака оширгани келгусида ўз самарасини беради, албатта.

"UNICON.UZ" ДУҚда фан доктори илмий даражасини олишга талабдор ёш мустақил тадқиқотчилар рўйхати шакллантирилган бўлиб, ҳозирги кунда бу борада 15 нафарга яқин ёшлар иш олиб боришяпти. Серғайрат ёш тадқиқотчилардан Муаттар Жабборова, Ҳасан Ҳамидов, Акбар Ортиқбоевлар эса фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертацияси устида ишлашяпти. Уларга илмий раҳбарлар бириктирилган.

"UNICON.UZ" ДУҚда инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2018 йил 19 январда 25-сонли буйруқ билан тасдиқланган Инновацион ғояларни ишлаб чиққанлиги учун "UNICON.UZ" ДУҚ ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомга мувофиқ хорижий ва соҳа журналларида илмий мақолалари чоп этилган ходимлар белгиланган миқдорда рағбатлантириб борилмоқда.

Ёшларнинг соҳада мустақил қадам ташлаши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашида моддий рағбат билан бирга маънавий эътиборнинг аҳамияти беқиёс. Шуларни инобатга олган ҳолда жорий йилнинг 18 январ куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарияти томонидан соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшиб келаятган, меҳнатда алоҳида ўрнатилган кўрсатган фол, ташаббускор бир гуруҳ ёш мутахассислар ташаккурномалар билан тақдирландилар. Улар орасида корхона иқтидорли ёшларидан уч нафари борлиги жамоа аъзоларини беҳад қувонтириб юборди.

ЎҚИШДА, ИЗЛАНИШДА

Тошкент ахборот технологиялари университетиде таҳсил олиб юрган Сайдиакхорл Сайдиакбаровнинг амалиёт даври тўлиқ "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасида ўтганлиги боис, ўзининг интилувчанлиги, меҳнатсеварлиги билан жамоа ва раҳбарият назарига тушди. Ва шу сабаб 2015 йили ўқишини тамомлаганидан сўнг уни корхона телекоммуникация технологиялари ва хизматлари илмий-тадқиқот бўлимига муҳандис лавозимига ишга қабул қилишди. Шундан бери у мазкур корхонада университетда олган билимларини ишга солиб, билмаганларини устозларидан ўрганиб, астойдил меҳнат қилляпти.

С.Сайдиакбаров 2018 йилдан бери масъул вазифа — телекоммуникация инфратузилмаси ва почта алоқаси илмий-тадқиқот департаменти интернет технологиялари илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритяпти.

Сайдиакхорл Сайдиакбаров телекоммуникация технологияларини ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларга оид 10та давлат стандарти, иккита норматив ҳужжатни ишлаб чиқишда чуқур билим ва юқори касб маҳоратини намоеён этди ва урта илмий-тадқиқот лойиҳасига масъул ижрочи сифатида қатнашди. Бир неча бор республика ва халқаро илмий, илмий-услубий конференцияларда иштирок этишга муваффақ бўлган Сайдиакхорл ўрта илмий мақола муаллифи ҳамдир.

Саҳифани Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИДА БИРИНЧИ CO-LEARNING CENTER ОЧИЛДИ

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети базасида биринчи "Co-Learning Center" ўқув маркази очилди, у йил давомида IT-соҳаси учун юзлаб кадрларни тайёрлаши кўзда тутилмоқда.

"Project Managers" компанияси UzCard миллий тўлов тизими ҳамкорлигида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабаларини bepul ўқитиш мақсадида, Ўзбекистонда биринчи "Co-Learning Center" ўқув маркази ташкил этди. Келгусида бундай ўқув марказлар бошқа университетларда ҳам очирилиши кутилмоқда, айни кунларда ТАТУда марказ очирилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Марказ иқтидорли талабаларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитишга йўналтирилган: Webdeveloping, Mobiledeveloping, 3Dmodelling, Gamedeveloping, 2Ddesign, DigitalMarketing, CyberSecurity. Ўқув жараёни "Digital Generation Uzbekistan" методикаси асосида олиб борилади, шунингдек, маҳорат дарсларини ўтказиш учун маҳаллий ва хорижий FullStack мутахассисларини жалб этиш режалаштирилган.

Лойиҳага кўра, бир йил ичида 400га яқин Junior дастурчи, 100га яқин Middle ва 10га яқин Senior дастурчиларни тайёрлаш мақсад қилинган.

"Co-Learning Center" ўқув марказида фақатгина Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабалари таълим ола оладилар. Курсга ёзилиш учун рўйхатдан ўтиш лозим, шундан сўнг номзодлар суҳбатдан ўтказилади ҳамда шартли топшириқ бажарилади. Натижалар асосида талабалар марказга қабул қилинади.

"2020 йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва



рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Президентимиз таъкидлаганидек, бизга инновацион ривожланиш ва янги кадрлар керак. Бизнинг лойиҳамиз айнан шунга қаратилган. Биз янги, илғор, юқори малакали кадрлар тайёрлаймиз. Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетини танлаганимиз тасодиф эмас, чунки университет ўзини IT-кадрлар маркази сифатида шакллантирган. Бизнинг вазифамиз болаларнинг маҳоратини ошириш ва уларга маҳаллий компанияларда иш таклиф қилишдир", — деди "Co-Learning Center" раҳбари Алишер Тожиев.

Шунингдек, марказ вилоятларда мини-курслар, вебинарлар ҳамда видео дарсликлар тайёрлашни режалаштирмоқда. Барча ўқув курслари мутлақо bepul.

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВГА

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тўртинчи ташаббус ижроси доирасида Тошкент вилоятининг Чиноз туманида жойлашган Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасига 150 нусха турли жанрдаги бадиий китоблар ҳадя қилинди.

Китобларни АКТ вазирлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хурсан Йўлдошев ҳамда Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мирвоҳид Ҳайдаровлар тақдим этишди. Бу муассаса тарбияланувчилари учун 8 март - Халқаро хотин-қизлар кунига муносиб совга бўлди.



Ўз мухбиримиз

ҚУТЛОВ!

● Реклама ва эълонлар

**"ЭЛЕКТРОМАГНИТ
МОСЛАШУВ МАРКАЗИ" ДУК
ЖАМОАСИ**

8 Март

**Гул каби гўзал аёлларимизни
баҳорнинг илк байрами —
Халқаро хотин-қизлар кунини
билан чин юракдан
муборақбод этади.**

**Барча қадрли баланд
она-сингалларимизни,
жумладан, ахборот технологиялари
ва коммуникациялари тизимида
меҳнат қилаётган ҳамкасб аёлларни**

**Халқаро
хотин-қизлар
кунини
билан қутлаймиз.**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ**

12 АЛОҶА ОЛАМИДА



РЕЙТИНГ

ЖАҲОНДАГИ ЭНГ ИННОВАЦИЯЛАШГАН МАМЛАКАТЛАР

Derwent экспертлари Top 100 Global Innovators 2020 рейтингини эълон қилишди. Инновациялар тобора кўп кўп тарқалмоқда, мамлакатларни қамраб олмақда, ҳамкорликни ривожлантиряпти. Битта патентга тўғри келувчи ихтироичилар сони эса ошмоқда.

Топ-100ни тузиш учун экспертлар жаҳондаги 14 000та компанияни ўрганишди. Тадқиқот-да иш ҳажми, таъсири, муваффақият ва глобализация каби омиллар инобатга олинди.

Қайси мамлакатлар Топ-100га кирди?

10. Ирландия

Ирландия охириги йилларда жаҳондаги инновация етакчиларидан бирига айланди. Жуда кўплаб инновация компаниялари бўлса-да, мамлакатдаги битта компания Топ-100га киритилди. Мамлакатда фармацевтика, ахборот технологиялари, тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш каби соҳалар ўта ривожланган.

9. Финляндия

Финляндия иқтисодиёти кейинги йилларда энг рақобатбардор иқтисодиётлар қаторига кирди. Суомида ҳам инновацияларни ривожлантираётган кўплаб

компаниялар бор, шунга қарамай финляндиянинг ҳам битта компанияси “топ”да.

8. Нидерландия

Нидерландия — иқтисодиётининг асосини саноат ва хизмат кўрсатиш ташкил этувчи юқори тараққий этган мамлакат. Илмий тадқиқотлар ҳам мамлакат иқтисодиётида муҳим ўринга эга. Топ-100га иккита нидерланд компанияси кирди.

7. Швейцария

Алп мамлакатини иқтисодиётининг ўзагини фармацевтика, кимё саноати, фармакология ташкил этади. Швейцария



компаниялари хориз сармоясини жалб этишда ҳам етакчилардан. Швейцариядан учта компания — Топ-100да.

6. Хитой

Жаҳондаги иккита йирик иқтисодиётнинг бири — Хитой. Айниқса, охириги ўн йилда мамлакат иқтисодиёти ўсиши мисли кўрилмаган даражага чиқди. Саноатнинг деярли барча турлари ривожланмоқда. Хитойликларнинг учта компанияси рейтингдан жой олди.

5. Жанубий Корея

Корея Республикаси аҳоли жон бошига даромадлар юқори, иқтисодиёти юксак тараққий этган мамлакат. Мамлакат ривожланишида йирик корпорациялар муҳим рол уйнаган. Кореяликларнинг ҳам учта компанияси нуфузли рейтингга кирди.

4. Германия

Германия — инновациялар соҳасида улкан салоҳиятга эга ва ютуқларга эришган мамлакат. Гарчи Топ-100га атиги тўртта немис компанияси киритилган бўлса ҳам, аслида уларнинг сони мамлакатда жуда кўп.

3. Франция

Франция — Германия билан бирга Европа иттифоқининг икки асосий устуни. Мамлакат технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришга катта сармоа киритмоқда. Рейтингга беш француз компанияси киритилди.

2. Япония

Япония — инновациялар соҳасида анча илгарилар кетганини 32та компанияси Топ-100га кирганидан ҳам билиса бўлади. Робототехника, ахборот технологиялари ва бошқа кўплаб соҳаларда японларга етадигани йўқ. Ҳеч муболағасиз “япон” сўзининг ўзи “инновациялар” синонимига айланди.

1. АҚШ

АҚШ — ушбу рейтинг етакчиси, нақ 39та компанияси Топ-100га кирди. Мамлакат инновацион ишланмалар соҳасида жаҳон етакчиси, бунда Кремний водийсининг аҳамияти жуда катта.

ДАСТУРЛАШ

ДАСТУРЧИ УЧУН ЭНГ КЕРАКЛИ КЎНИКМА — МАТЕМАТИКА ЭМАС

Дастурчилар учун энг муҳим кўникма, кўпчилик ўйлаганидек, математика эмас, балки тилларни ўрганиш қобилияти экан. Вашингтон университети олимлари ўтказган тадқиқот (Nature’s Scientific Reports журналида чоп этилган) яқинда шундай хулоса чиқарилган.

Тадқиқотда илгари дастурлаш билан шуғулланмаган 42 киши қатнашди. Аввалига улардан диққатни жамлаш, мантиқ, тиллар, ҳисоблаш ва математика бўйича тестлар олинди.

Синов чоғи қатнашчиларга Python дастурлаш тили бўйича ҳар бири 45 дақиқалик ўнта машғулот ўтилди. Ҳар бир машғулот охирида тест олинди. Тадқиқотчилар уларнинг ўрганиш тезлиги ва текширув натижаларини кузатиб боришди. Энг охирида “Тош, қайчи, қоғоз” ўйини коднинг ёзиш топшириғи берилди.

Олимлар шундай хулосага келишдики, Python дастурлаш тилини ўрганишда тилларга мойиллиги юқори ўқувчилар энг яхши натижа кўрсатишди. Хотираси ва мантӣқий фикрлаши яхши ўқувчилар ҳам чакки натижа кўрсатишмаган. Математик қобилият эса деярли аҳамият касб этмаган...

“Дастурлашда шундай тасаввур шаклланиб қолган — ё махсус курсларда ўқиш шартлиги, ё ҳақиқий дастурчи бўлиш учун математик қобилият юқори бўлиши кераклиги айтилади. Ҳолбуки, бизнинг тадқиқотимиз буни тасдиқламади”, — деди ушбу тадқиқот етакчи муаллифларидан бири Шантел Прат.



КОРОНАВИРУС

ХИТОЙДА КОРОНАВИРУСНИ АНИҚЛОВЧИ QR-КОД ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Хитой ҳукумати фуқароларда коронавируси аниқловчи иловани жорий этди.

Ҳар бир фойдаланувчи учун яшил, сариқ ва қизил ранглардаги QR-код татбиқ этилади. Офис бинолари ва тураржойларга киришда, жамоат транспортларида чиқишда уларни кўрсатиш керак бўлади.

Яшил рангли QR-код эгаси бемалол ишга бориши, жамоат

транспортдан фойдаланишига руҳсат берилади.

Сариқ код эгасидан бир ҳафта уйда ўтиришни талаб қилишлари мумкин.

Қизил код эгаси эса мажбуран икки ҳафталик карантинга жўнатилади. Ушбу код (қизил) вирус ташувчилари билан бирга уни юқтириш хавфидан гумон қилинганлар учун жорий этилади.



“Синхуа” агентлиги хабарига кўра, кейинги ҳафтадан бошлаб сервис исталган фуқаронинг инфекция статусини унинг идентификация рақамини киритиш орқали билиб олиш имконини беради.

СМАРТФОНЛАР

SAMSUNG GALAXY S20 САВДОСИ БИРИНЧИ КУНИЁҚ “СИНДИ”

Samsung Galaxy S20 туркуми смартфонларининг савдоси биринчи кунийёқ ўхшамди: телефон илгариги флагманлар каби кўлма-кўл бўлиб кетмади.

Экспертлар айни ҳолатни коронавирус билан боғлашмоқда, қолаверса, девайсларни сотишда бонуслар ҳам йўқ.

Соҳа манбалари ёзишича, 27 февралга тўғри келган биринчи савдо кунини Жанубий Кореяда 70,8 минг дон қурилма сотилди.

Телекоммуникация компанияларидан бири вакилининг ОАВга тушунтиришича, савдонинг бароридан келмаслигини COVID-19 пневмонияси тарқатгани сабабли дўконларга харидорлар оқими камайгани билан изоҳлаш мумкин.

Қолаверса, Samsung компанияси янги смартфон учун ритейлерларга сийлов (“скидка”) жорий этмаган ва субсидиялар ҳажмини ҳам камайтирган.


Таққослаш учун: ўтган йилги Galaxy S10нинг релизидан сўнг илк кунини 140 мингга (икки баравар кўп) қурилма сотилганди. The Korea Herald маълумотига кўра эса, Galaxy Note 10 бозордаги дебютини биринчи кунда сотилган 220 минг дон қурилма билан нишонлаганди.

Феврал ойи охирига келиб, Жанубий Кореяда COVID-19 вирусини юқтирганлар сони 700 кишидан ошиб кетди (ҳозир 4 212 нафарга етди, шундан 22 нафари вафот этган).

Samsung Galaxy S20 смартфонлари феврал ойи ўртасида тақдим этилганди. Янги қурилмаларга AMOLED-экранлар, шу кундаги энг кучли Snapdragon 865 ҳамда Exynos 990 процессорлари ўрнатилди, амалий тизими — Android 10. Ушбу туркумга кирувчи “Galaxy S20 Ultra” 108 мегапикселли, юз карра яқинлаштирувчи (зум) камераси билан ажралиб туради.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



ЭРДОҒАНДАН “СЮРПРИЗ” Миллионлаб қочқинлар Европага йўл олди

Айни пайтда Европа мамлакатлари янги миграция инқирози арафасида турибди ва бунинг учун Туркияни айбдор кўрсатиб, аямай танқид қилмоқда.

Ҳап шундаки, ўтган ҳафтада Суриянинг Идлиб вилоятида Туркиянинг ўттиздан ортиқ аскарлари ҳалок бўлди ва шу ҳодисадан сўнг Анқара Европага боришни истаган қочқинларни тўхтатиб қолмасликка қарор қилди.

Туркия анча вақтдан бери Идлибда ҳавфсиз ҳудуд тузилиши кераклигини, Сурия армиясининг бу ердаги ҳужумлари қочқинларнинг янги тўлкинини келтириб чиқаришини айтиб келар эди. Президент Ражаб Тоййиб Эрдоғаннинг сўзларига кўра, қутилганидек бўлди ҳам: айни пайт Суриянинг Туркия билан чегара ҳудудида 1,5 миллион қочқин йиғилган. Аммо Туркия Суриядан яна қочқин қабул қиладиган аҳволда эмас, шундоқ ҳам бу ерда 3,6 миллион суриялик бор. Бошқа мамлакатлардан келганлар билан қўшиб ҳисобласа, қочқинлар сони 4 миллионга етади. Туркия ички ишлар вазири Сулаймон Соёлу 2 март кунини берган маълумотга кўра, Туркия орқали Европага ўтганларнинг сони 117 мингдан ошган.

Туркиянинг Россия ва Эрон билан тузилган келишувларига мувофиқ аслида Сурия армияси Идлибга ҳужум қилмаслиги керак эди. Башар Асад нафақат Идлибга, балки турк аскарларига ҳам ҳужум қилди ва айни пайтда бунинг бадалини тўлаш билан овора.

Айтиш мумкинки, Анқара Сурия масаласида ёлғиз қолиб кетди. Унинг

яқин ҳамқори ва НАТОдаги иттифоқдоши ҳисобланмиш АҚШ ИШИДга қарши кураш баҳонасида Суриядаги курд жангарилар билан апоқ-чапоқ бўлди ва туркларни хафа қилиб қўйди. “Курдистон ишчи партияси” деб аталувчи террорчи ташкилотдан анча азият чеккан Туркия бу ташкилотнинг Суриядаги қанотлари ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлиқни бошидан оқ маъқулламаган эди. Шундоққина биқинида ҳавф манбаининг пайдо бўлишини ким ҳам хоҳлайди?..

Юзага келган вазият Туркияни Сурия масаласини ҳал қилиш учун янги чоралар қидиришга ундади. Бироқ охириги кунлардаги ҳодисалардан кўриниб турибдики, бу борада Москва ҳам Анқаранинг ишончини оқламади.

Турк аскарларига ҳужумдан сўнг НАТО Анқара истаганидек амалий қадам ташламади ва шунчаки томонларни инсофга чақириб билан чекланди. Идлибда ҳавфсиз ҳудуд ташкил этиш, янги қочқинлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва Туркиядаги қочқинларни Идлибга кўчириш ҳақидаги чақириқларига ҳеч ким жавоб бермаёт-



ган бир пайтда сўнгги ҳодисалар Анқаранинг сабрини тошириб юборди: Европа сари йўл олган қочқинларни бундан буён тўхтатмайдиган бўлди.

Айни пайтда жигибийрон бўлаётган Европа Иттифоқига Туркиянинг жавоби аниқ: келишувга амал қилмадинглар. 2016 йилнинг мартида Европа Иттифоқи ва Туркия ўртасида қочқинлар бўйича келишув тузилган бўлиб, унда Европага борган ноқонуний мигрантларнинг Туркияга қайтарилиши, Европа Иттифоқи эса Туркиядаги қочқинлар учун 6 миллиард евро ажратиши кўзда тутилган эди. Шу пайтгача бу маблагнинг деярли ярми ажратилган, холос. Келишувнинг бошқа моддалари, хусусан, турк фуқаролари учун Шенген ҳудудида вазасиз тартиб жорий

этиш умуман бажарилмади. “Эшикларни очиб юбордик, – деди Туркия президенти. – Бир томонлама фидокорлик даври тугади, энди ҳамма миграция юкidan ўз насибасини олади”.

Анқаранинг қароридан кейин минг-лаб қочқинлар Греция чегараси томон ҳаракатланди. Аммо грек полицияси қочқинларни аяб ўтиргани йўқ – “чақирилмаган меҳмонлар” Греция зами-нига қадам босмаслиги учун шафқатсизларча қаршилик кўрсатяпти. Ҳатто кеча турк оммавий ахборот воситаларида суриялик бир қочқин герк полициясининг ўқидан ўлгани ҳақида хабарлар тарқалди.

Миллионлаб қочқиннинг тақдирини атиги бир неча давлатнинг зиммасига юклаб қўйиш, юмшоқ қилиб айтганда, инсофсизликдан бошқа нарса эмас. Тўрт миллион қочқин – бу ҳар қандай давлат учун жуда катта юк. Суриялик қочқинлар масаласи аллақачон Туркияда жиддий ички сиёсий масалага айланиб бўлган. Туркияликларнинг кўпчилиги қочқинларнинг иложи бори-ча тезроқ кетишини хоҳлайди. Устига-устак, ижтимоий тармоқларда қочқинлар ҳақида тарқалаётган турли асосиз миш-мишлар вазиятни янада оғирлаштирмоқда.

Суриядаги уруш нақ тўққиз йилдан бери тугамайпти. Одамлар ҳамон ўлапти. Қирғиндан қочган болалар совуқдан нобуд бўляпти. Европага интилганлари йўлларда, денгизда ҳаёт билан видолашмоқда...

РОССИЯЛИК МУСУЛМОНЛАР АФРИКАДА МАСЖИД ВА МАКТАБ ҚУРИШДИ

Россия муслмонлари ахши анъанани давом эттиришмоқда. Африканинг қашшоқ мамлакатларига беғараз ёрдам бериб, Нигерда кудуқлар, Малида масжидлар қуришди.

Энди россияликлар савоб ишларини Чадда давом эттиришмоқда. “Закоат” хайрия жамғармаси ва Илдар Аляутдинов ҳомийлигида Чаднинг Саҳел шаҳрида мактаб қурилди, масжид ва Қуръон курслари ташкил этилди. Эндилдиқда 60 кишидан иборат Кувайза қишлоғининг болалари дунёвий ва маънавий таълим олишлари мумкин. Қурилиш учун барча маблағ Россия муслмонлари томонидан эҳсон қилинган.

АҚШ ҚЎШИНЛАРИ АФГОНИСТОННИ 10 КУН ИЧИДА ТАРК ЭТА БОШЛАЙДИ

Нихоят, АҚШ ва “Толибон” ўртасида тинчлик битими имзоланди. Бу битим афгон халқининг тинчасини қуритган уришга яқун яшашига ва Афғонистон заминига тинчлик олиб келишига умид қилинмоқда. АҚШ президенти Доналд Трамп америкалик аскарларни Афғонистондан олиб чиқиш ҳақидан анчадан бери айтиб келаётган эди, пировардида унинг нияти ҳам амалга ошадиган бўлди.

АҚШ мудофаа вазири Марк Эспер Афғонистондан қўшинларни олиб чиқиш ишлари тахминан 10 кун ичида бошланишини маълум қилди. Дастлабки босқичда америкалик аскарлар сони 13 мингдан 8600 нафарга туширилади. Эспер АҚШнинг “Толибон” билан тузилган битимига риоя қилишини айтар экан, Вашингтон Афғонистондаги тўқнашувлар сезиларли даражада камайишига умид қилаётганини билдирди. Шунингдек, у Афғонистондаги вазиятнинг сиёсий ечими топилгандан кейин АҚШ қўшинларининг қолган қисми ҳам олиб чиқилишини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ ва “Толибон” ўртасидаги тинчлик битими 29 феврал кунини Қатар пойтахти Доҳада имзоланди. Толиблар музокараларнинг бошидан оқ хорижий қўшинларнинг Афғонистонни тарк этишини истаган эди.



ТЎҚАЕВ 8 МАРТДАГИ КОНЦЕРТ ВА БАЙРАМЛАРНИ БЕКОР ҚИЛДИ

“Нурсултонда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган концерт ва байрам тадбирларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Дунё бўйлаб коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазият туфайли, ҳавфсизлик мақсадида шундай қилинди. Азиз аёлларга бахт, соғлиқ, фаровонлик тилайман”, – деди ёзади у “Twitter”да.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, Қозғистон ҳудудида айни вақтгача янги коронавирусни юқтириш ҳолати қайд этилмаган.



РАМЗАН ҚОДИРОВ: “АСР БИТИМИ” МУСУЛМОН ОЛАМИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

Чеченистон раҳбари Рамзан Қодировнинг фикрича, айрим муслмон халқлари ва давлатлар раҳбарларининг ўртасидаги бирликнинг йўқлиги Яқин Шарқдаги инқирознинг авж олиши учун кулай замин яратган. “АҚШ президенти Доналд Трампнинг “аср битими” деб ном олган Фаластин-Исроил можаросини тинч йўл билан ҳал этиш режаси бутун муслмон оламига қарши жиноятдир”, – деди Қодиров.

Фаластин президентининг маслаҳатчиси, мамлакат олий судяси Маҳмуд ал-Хабаш ҳам ушбу битимни қоралаган. “Маҳмуд ал-Хабаш ва мен муслмон мамлакатларидаги можаролар Фарб мамлакатларининг бевосита иштирокида қизиб, кенгайиб бормоқда, деган фикрда бирлашдик”, – деди Чеченистон раҳбари.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ президенти Доналд Трамп йил бошида Фаластин-Исроил зиддиятини бартараф этиш бўйича ўз таклифини эълон қилганди. “Аср келишуви” дея муболағали ном билан аталган ташаббусга кўра, Қуддус яхлит ҳолда Исроил пойтахти деб тан олиниши керак. Фаластинликларга эса “зўравонлик”дан воз кечиши эвазига ўз давлатини таъсис этиш учун 50 миллиард доллар ваъда қилинган.

У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

14 МУТОЛАА



Рэй БРЭДБЕРИ
(1920-2012)
Америка ёзувчиси

МУАЛЛИМА

Рэй БРЭДБЕРИ
Америка ёзувчиси

(Ҳикоя)

Анна Тэйлор Яшил шаҳар марказидаги ёзги мактабга дарс бериш учун келди. Худди ўша кунни у роппа-роса йигирма тўрт ёшга кирганди. Анна Тэйлор билан бир кунда эса кичкина Боб Спаулдинг ҳам ўзининг ўн тўрт баҳорини қарши олди.

Ёш муаллимани ҳозиргача ҳамма соғинч билан эслайди. Негаки у ҳали ёш бўлса-да, бирдангача барча ўқувчиларнинг меҳрини қозона олган, уларнинг тилини топиб, яқиндан муомала қила олган энг биринчи устоз эди. Анна Тэйлор синф хонасига илк қадам қўйган кунданок гўё ҳаммаёқ яшнаб кетгандек бўлди, болалар янги ўқитувчиларига деб катта-катта, мазали апелсинлар, нимпушти, қийғоч гуллар, уларга ҳеч ким тайинламаган бўлса ҳам, яшил ва сариқ ранг аралаш дунё харитасини ўрамлаб дарсга олиб келишганди. Анна Тэйлор бу эски шаҳар кўчалари бўйлаб ўтганида улкан эман дарахтининг сершоҳ новдалари унинг боши томон аста эгилар, ҳовуч-ҳовуч нур ўша новдалар оралаб муаллиманинг юзига тўкилиб қоларди. Анна болалар учун мисоли изғирин қишдаги мазали шафтолидай ёки бўлмасам иссиқ саратон чоғидаги тўйимли бошоқли экиндек жуда керакли бўлиб кўринди. Чинданам айнан шундай эди. Зотан Анна Тэйлор ёрдам ва далдага муҳтож ҳар бир ўқувчиси учун ҳаммавақт шай, жонсарақ бўлиб турарди. Шунинг учун ҳам болалар уни бир зумда яхши қўриб қолишганди. Аммо ўша кунлар негадир жуда тез ўтиб борарди. Балким Анна билан болаларга шундай бўлиб туюларди дарс пайтлари. Уларнинг ҳеч бири вақтнинг бу қадар шошиб ўтишини асло-асло истамас эди.

Бироқ кичкина тўполончи Боб Спаулдинг учун дунё теп-текис, у октябрнинг салқин тонглиридан биридагина қўлига дарсхалтасини олиб, эринчоқлик билан энди мактаб томон йўлга тушганди. У учун дарслар эндигина бошлангандек эди. Йўл бўйи бу шўх болакай саҳоватли кузнинг бор манзарасини, ариқ тўла оқиб кетаётган зилот ва муздек сувни, дарахт таналари бўйлаб ўрмалаб юқорига тирмашаётган бир гала чумолилар карвонини, байрамлар арафасида безатилаётган кўчалар ва боғларни астойдил, мириқиб кузатиб борди. Ҳатто у бир ўриндикқа ўтириб олиб, атроф-теварагига яна бир-бир кўз ташлаб чиқди. Ёлғиз бир

ўзи ўтираркан, димоғида қандайдир байрам куйини минғиллаганча хиргойи қилиб, бувисининг дашномли сўзларини эслади: “Боб, сандироқлаб юрвермасдан, тўғри мактабингга боргин!”

Оббо, бувижоним-ей! Боб шундан кейингина секин ўрнидан турди, ўриндик четида турган дарсхалтасини бўйнига илдида, энди бироз жадаллик билан мактабга қараб юриб кетди. Боб ҳеч қачон бирон бола билан яқин бўлмаган, ҳар доим ёлғиз юрарди.

У хонага кириб келганида, ўқувчилар ўзларининг иккинчи дарслари учун тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Боб аста сирғалиб эшикдан кира солди-ю энг охириги қатордаги жойига бориб ўтириб олди. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан янги муаллима Анна Тэйлор ҳам синфхонасига кириб келди. У ҳали болаларнинг ёдидан чиқиб кетгандир, деган эҳтиёт шарт билан доскага каттароқ ҳарфлар билан қайтадан ўзининг исминини ёзиб қўйди.

“Менинг исми Анна Тэйлор”, – деди у ёзиб бўлгач, болаларга дона-дона қилиб такрорлади: “Мен сизларнинг янги ўқитувчингиз бўламан”.

Ўқувчилар хурсанд бўлиб чапак чалиб юборишди. Боб эса ҳайрон бўлганча, дам доскага, дам тўғрисида турган нотаниш муаллимага қараб, лом-мим демай жим ўтираверди. Аммо ичида унинг шайтони кўзиб, бу ўқитувчини бир бало қилиб бўлса ҳам, тезроқ кеткизиш керак, деган ўй ўтди хаёлидан. Ўша кунни у дарсдан сўнг бир челақ сув билан тозалагич латтани ботириб, доскага ёзилган кейинги мавзуга оид барча маълумотларни битта қўймай, ҳаммасини артиб чиқди. Доска топ-тоза бўлди. Боб хотиржам нафас олиб, енгил ҳолда уйига жўнади.

– Бу нимаси? – Эртаси кунни эрталаб синф хонасига кириб келган Анна Тэйлорнинг илк саволи шу бўлди. У ҳайрон бўлганча тозалаб артилган доскага алам билан тикилиб турар, ҳеч нарсадан хабари йўқ болалар ҳам бегуноҳларча елкаларини қисиб, қошу туришар эди. Фақат биригина Боб Спаулдинг қилган ишидан завқланганча кеккайиб ўтирар, у ҳамма болаларга қўриб қўйинлар, мана бундай бўлади, дегандек фаҳрланиб қарарди. Шу пайт бирдан ёш муаллиманинг

Бобга кўзи тушди-ю бўлган воқеанинг барини англаб олди. Аммо болага ҳеч қанақа койиш айтмади, аксинча у Бобни мулойимлик билан доскага қақирди-да, уни тозалашни буюрди.

– Ахир топ-тоза-ку? Нимасини тозалайман буни? – деди ҳайрон бўлган Боб энсаси қотиб.

– Йўқ, сен уни яхшилаб тозала, қара, ҳалиям тоза эмас ахир, – деди Анна Тэйлор унга хотиржам ва меҳрибонлик билан боқаркан.

Нима қилишини билолмай турган Бобга қолган болалар ҳам ҳайрат ичида қараб қолишганди.

– Нега турибсан? Мен нима дедим сенга? – деди муаллима Бобнинг ёнига келиб, – қани, доскани тозалаб қўй-чи, болакай!

Шундай деркан, Анна Тэйлор Бобнинг елкасига қўлини қўйди.

– Эссизгина! Кеча бу дарсни атайлаб сен учун ёзиб қўйгандим. Ахир сен мактабга кечагина келдинг-ку! Қанча-қанча дарслардан қолиб кетдинг. Бироқ мен буни сенга кеча тайёрлаб қўя олмагандим. Шу учун бугун келиб кўчириб олсин, деб доскага сен учун ёзиб кетгандим. Буни қара-я, қайсидир аҳмоқ уни ўчириб ташлабди-я, эссиз!

Шу пайт Боб Спаулдинг кўзларига ёш тўлиб қолди. У янги муаллимасига қараб нимадир демоқчи бўлди-ю бироқ гапира олмай, хонадан югурганча ташқарига отилиб чиқиб кетди.

Эртаси кунни эрталаб дарсга келган ўқувчилар доскага катта-катта ҳарфлар билан ёзилган сўзларни қўриб, кечагидан ҳам баттар ажабланиб қолишди. Қол-қора, текис доскага оппоқ бўрда аниқ-аниқ қилиб шу сўзлар ёзиб қўйилганди: “Мени кечиринг, мис Тэйлор! Сиз менинг энг янги ва энг яхши ўқитувчимсиз!”

Болалар синф хонасининг энг охириги қаторида ўтирган Боб Спаулдингни қўриб, янаям ҳайратланишди. Негаки, у оппоққина ўқувчилик кийимда, ҳеч кимга қарамай, олдига ҳамма китобларини очиб олганча ўзи қатнашолмаган дарсларини ўқиб ўтирарди. Унинг бир томонидан эса Анна Тэйлор учун келтирган нимпушти ва қийғоч дала гуллари ял-ял яшнаб турарди.

Инглиз тилидан ШАҲНОЗ таржимаси

И МИ Э, корейс адиби

ТУҲФА

Юри ҳамма болалар каби янги йилни интизорлик билан кутарди. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Чунки ҳаммиша дадасининг туғилган кунидан сўнг янги йил кўриб келади.

Кунларнинг бирида Юрининг онаси “Дадагга нима совға олсак экан”, деб қолди. У йўлаб: пойабзал олсакчи, деди. Онаси ўйга толди. Умр йўлдоши рўзгордан орттириб, ўзига ҳеч нима ололмади. Аммо пойабзал арзон турмайди-да.

– Юри, оёқ кийим бизга қимматлик қилади, – деди.

Қизалоқ хонасига югуриб борди-да, ақчадонни олиб келиб онасига тутқазди.

– Мана шунга иккаламиз пул йўғсак бўладими, – деди.

Бундан онаси ҳам қувонди. У ҳамёни-

дан беш юз вон олди-да, Юрига тутқазди. Юри ақчадоннинг ортидаги тирққишига пулни солиб қўйди.

Рўзгор ишларига андармон она қизи билан ваъдалашганини унутди. Кунлар совиб борарди. Янги йилга ҳам тайёргарлик кўриш керак. Қизига совға олишни унутди. Ҳа-я, умр йўлдошининг туғилган кунни ҳам хотирасидан батамом кўтарилибди-ку.

Аёл уйга шу ўйлар оғушида шошарди. Бироқ шунда ҳам қизи билан ваъдалашгани ёдига келмади.

Бугун Юри ўзида йўқ хурсанд. Дадасининг туғилган кунни. Мактабдан кела келгунча ерга пояндоз бўлган сарғимтир барглardan гулдаста ясади. Уйга келса, онаси овқат тайёрлаётган эди.

– Ойижон, дадамага пойабзал олмадингизми? – деди.

– Пойабзал дейсанми? Қанақа пойабзал?

– Ёдингиздан кўтарилдими? Ахир, бугун даданинг туғилган кунини-ку. Келишувни унутдингизми?

– Вой, қизим, яхшиям эслатдинг. Аммо биз пойабзалга пул йўғолмадик-ку. Энди даданга совгани қаердан оламиз?

Аёл не қиларини билмай қолди. Ҳамёнини қўлига олди-да, ичида рўзгор учун ажратилган арзиманган пулни гижимлади. Юзини қизидан беркитди.

– Ойижон, бир қарасангиз-чи, – деди Юри.

Онаси ортига қараб қизининг қўлида бундан бир неча ой аввалги ақчадонни қўриб, тили айланмай қолди.

– Келинг, ичидигиларни санайлик-чи, пойабзалга етармикан, – деди Юри.

Аёл шоша-пиша ақчадон ичини бўшатар экан, бир сиқим танга-ю пулларни қўриб ҳайратдан донг қотди.

– Юри, қизалоғим, бунча пулни қаердан олдинг? – деди.

– Ҳар кунни мактабда овқатланишим учун берилган пулни бир тийинини ҳам ишлатмай йўғдим. Нон ва сув билан қорин тўяркан. Ахир, дадам иккинги қаноат инсонга куч беради, дердинглар-ку! Бу рост экан.

Она қизини қучоғига тортиди-да унсиз йўғлай бошлади. Етишмовчилик қизини бирпасда улғайтириб қўйибди. У бундай ўтиришни лозим топмади. Она-бола кийиниб, бозорга йўл олди. Дадаси учун оёқ кийим харид қилишди.

Юри уйга шошганидан онаси унга етолмасди. Ажабланиб эшик очган дадасига тикилиб, ҳансираганча: – Дада, қарасангизчи, онам сизга қандай чиройли оёқ кийим харид қилди, – деди.

Дадаси совгани эҳтиётлаб олиб, аёлига миннатдорона жилмайди. Онаси гапиришга энди оғиз жуфтлаган эди, қизи уни сўзлашга қўймади.

Янги йил ҳам кириб келди. Дадаси энди ишга янги оёқ кийимда боради. Дадасини ишга кузатар экан, эста шивирлади:

– Дада, дада энди кейинги сафар йўғилган пулга онамга пойабзал оламиз-а?

– Албатта, қизалоғим. Сенга ҳам қўшиб оламиз, – деди-да, қизининг қўлига беш юз вон тутқазди.

Юри уни умиду яхши ният ила ақчадонига солиб қўйди.

Корейс тилидан
Тўмарис АЪЗАМ таржимаси

8 Март

Азиз ва мукаффама онажонларимизни,
меҳрибон ва мунис опа-сингилларимизни,
шириндан-шакар қизларимизни
Халқаро хотин-қизлар кунини билан табриклаймиз.

“Ўзбектелеком” АК

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

ВНИМАНИЕ! УВАЖАЕМЫЕ ЖИТЕЛИ И ГОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН!

Государственное унитарное предприятие Центр Электромагнитной совместимости (ГУП ЦЭМС) Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан предупреждает, что в соответствии с действующим законодательством ввозимые из-за границы, приобретаемые, реализуемые и эксплуатируемые радиоэлектронные средства (радиоудлинители дальнего действия, радиостанции и другие передающие устройства) на территории Республики Узбекистан должны иметь необходимые разрешения и сертификаты соответствия.

К лицам, осуществляющим ввоз из-за границы, реализацию и эксплуатацию радиопередающих устройств без соответствующих разрешений и сертификатов, будут применяться меры административной ответственности, вплоть до конфискации радиоаппаратуры.

По вопросам регистрации и выдачи разрешений на ввоз и эксплуатацию радиоэлектронных средств просим обращаться в Центр электромагнитной совместимости и его областные подразделения

При этом ГУП ЦЭМС принимает от физических и юридических лиц заявки на устранение помех радиоприему телевидения и радиовещания, а также средств радиосвязи. Устранение помех радиоприему производится в соответствии с Законом Республики Узбекистан "О радиочастотном спектре" и "Инструкции о порядке приема и рассмотрения заявок на устранение радиопомех средствам радиосвязи, приему программ телевидения и радиовещания"

РАБОТЫ ПО ЗАЯВКАМ ПРОИЗВОДИТСЯ ТОЛЬКО ПРИ УСЛОВИИ ИСПРАВНОСТИ ТЕЛЕ РАДИОПРИЁМНЫХ И АНТЕННО-ФИДЕРНЫХ УСТРОЙСТВ.

В заявке необходимо указывать:

- Данные заявителя: фамилия заявителя (физического и юридического лица), полный почтовый адрес, номер телефона (домашний или служебный);
- Тип приемного устройства, применяемая антенна (комнатная, на крыше дома и т.д.);
- При приеме, какой программы телевидения или на какой частоте радиосвязи наблюдаются помехи;
- Продолжительность и время действия, характер помех при слуховом или зрительном восприятии;
- Имеются ли такие же помехи на расположенных вблизи (квартирах, домах) телевизорах, радиоприемниках или других радиоэлектронных средствах;
- Наиболее удобное время для посещения заявителя сотрудниками ГУП ЦЭМС в период действия помехи.

Заявки принимаются Станцией Технического Радиоконтроля и региональными подразделениями ГУП ЦЭМС по следующему адресу:

г.Ташкент и Ташкентская область, 100015 г. Ташкент, ул. Фаргона йули, 15; по телефону: 71-202-61-71; 71-202-61-68; электронный адрес: cemc@cemc.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ:

- "BASU-NUKUS" хусусий корхонасининг (Қорақалпоғистон Республикаси) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 6 мартда берилган 0006731 рақамли;
- "TECHNO TRADE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2017 йил 28 сентябрда берилган 0006268 рақамли;
- "IMAGE TV PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ теледестурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 13 августда берилган 0006959 рақамли;
- "ECOSOL LAB" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2019 йил 4 январда берилган 0006646 рақамли;
- "IMKON SHIFO MASKANI" оилавий корхонасининг (Андижон вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2017 йил 15 июнда берилган 0006200 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2020 йил 4 мартдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига мувофиқ "DATANET PLUS" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) 2019 йил 27 июнда берилган маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божини миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2001 йил 24 октябрдаги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганлиги учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов мuddатини бузганлиги учун:

- "AGES COMMUNICATIONS" хусусий корхонасига (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2019 йил 5 февралда берилган АА серия 0006716 рақамли;

- "FON" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2019 йил 23 январда берилган АА серия 0006667 рақамли;

- "BEK KOM ENGINEERING" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2019 йил 23 январда берилган АА серия 0006666 рақамли;
- "АНДИЖОН АЛОҚА СЕРВИС" масъулияти чекланган жамиятига (Андижон вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2017 йил 12 январда берилган АА серия 0006044 рақамли;
- "INTERCONNECT" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2016 йил 2 февралда берилган АА серия 0005768 рақамли;
- "HANTAREX" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) фаолиятига 2015 йил 4 ноябрда берилган АА серия 0005727 рақамли;
- "OMADLI IDEAL PARVOZI" масъулияти чекланган жамиятига (Бухоро вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2019 йил 23 январда берилган АА серия 0006665 рақамли;
- "WI-DOT TELECOM" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2017 йил 6 февралда берилган АА серия 0006073 рақамли;

- "VOIDA" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 23 январда берилган АА серия 0006658 рақамли;

- "DEVELOPING WEB STUDIO" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 28 январда берилган АА серия 0006691 рақамли;

- "DOCTOR ORG KOMP" масъулияти чекланган жамиятига (Бухоро вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2019 йил 28 январда берилган АА серия 0006687 рақамли;
- "SONOROUS ENTERPRISE" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 28 январда берилган АА серия 0006688 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2020 йил 5 мартдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ф-сонли фармойишига асосан "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисобрақамига 2020 йил 28 февралда АТ "АЛОҚАБАНК" томонидан 250 000,0 минг сўм, 3 мартда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан 200 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Хоразм вилояти Электромагнит мослашув хизмати жамоаси муҳандис Исломбек Якубовга отаси, алоқа соҳаси фахрийси

КОМИЛЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва Қўгон тумани телекоммуникациялар боғламси жамоалари ҳамда касабга уюшмаси кўмиталари ушбу боғлам меҳнат фахрийси

Саттор ЖУРАЕВИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



UZTELECOM

МИЛЛИЙ ОПЕРАТОР

Халқаро хотин-қизлар куни

*Кимки боқса кўзларингга зиёсан, аёл,
Гўё гулсан, сертабассум ибосан, аёл
Қошларингга, қўлларингга нур берса ҳам тун,
Дили поку мўъжизакор самосан, аёл!*

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиғи мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўлжал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424



Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Булок Турон” кўчаси, 41-уй.

G-357 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 4815 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 23.00.
Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари: Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99